



НУҚУ

1997-йил 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 4-ЙУН, №22 (1219)

БОШ ПРОКУРАТУРАДА

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига мувофиқ эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш орқали камбағаллар рўйхатидан босқичма-босқич чиқариш прокурорлар секторларининг ҳам пандемия шароитидаги устувор вазифаси этиб белгиланган.

Айниқса, уларни иш билан таъминлаш, ўзини ўзи банд қилишига, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишига ёрдам бериш, шу тариқа доимий тирикчилик манбаи билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев раислигида худудий прокуратура органлари раҳбар-

лари иштирокида ўтказилган селектор йиғилишида ушбу йўналишда бажарилган ишлар танқидий муҳокама қилинди.

Тадбирда қайд этилганидек, қисқа мuddатда прокурорлар секторларидаги 84 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилага озиқ-овқат ва зарур дори-дармонлар етказилди, 16 мингдан ортиқ оилага қарийб 10 млрд. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди ва бу жараён давом этмоқда. Мазкур оилалардан 30 мингдан кўпрогининг аъзолари доимий ва мавсумий ишларга жойлаштирилди, 2200 дан зиёд оилага иссиқхона қуриб берилиши ва зарур маҳсулотларни етиштириш учун ер ажратилиши таъминланди.

Бундан ташқари, бир қатор оилаларга чорва моллари ва парранда берилди, айрим оилаларнинг коммунал хизматлардан қарзи қопланди.



Умуман олганда, прокурорлар секторларидаги 100 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилага кўрсатилган ёрдам натижасида бугунги кунда ижтимоий аҳволи

яхшилангани сабабли уларнинг деярли 34 фоизини камбағаллар рўйхатидан чиқариш учун етарли асослар пайдо бўлди.

Ўз навбатида, ўтказилган таҳлиллар эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида хато ва камчиликлар ҳам борлигини кўрсатди. Хусусан, мазкур оилаларнинг бандлигини таъминлаш бўйича айрим секторларда қилинаётган ишларни қониқарли деб бўлмади.

Маълумки, эҳтиёжмандларнинг аҳволини яхшилашнинг муҳим омиллардан бири уларга ижарага ер ажратишдир.

ХАЛҚ

МАНФААТЛАРИ

УСТУВОР

Жорий йилнинг 2 июнь куни Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Светлана Артикова билан «Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя этилиши» мавзусида он-лайн учрашув бўлиб ўтди.



Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчи ва талабалари билан ўтказилган онлайн учрашувда аynи дамда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, айниқса демократия тамойиллари асосида ривожланиб бораётган давлатимизда аёллар ва болалар ҳуқуқлари борасида сўз кетди.

Бош прокурор ўринбосари ўз маърузасида ҳозир

Ўзбекистонда бу масалага ниҳоятда кучли эътибор қаратилаётгани, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан парламентнинг юкори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилганини айтиб ўтди.

Қизгин давом этган учрашувда талабалар ўзларини кизиқирган саволларга жавоб олинди.

Бу борадаги кўрсаткичлар ҳам айрим секторларда пастлигича қолмоқда.

Президентимизнинг фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорларига мувофиқ пандемия шароитида белгиланган имтиёз ва преференцияларни аҳолига, жумладан, тадбиркорларга тушунтириш, улардан фойдаланишда ёрдам кўрсатиш борасида ҳам айрим секторларда камчиликлар мавжуд.

Йиғилишда секторлар раҳбарлари олдида бу каби нуқсонларни тезкорлик билан бартараф этиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, секторлар раҳбарлари худудларда карантин қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлашга, инфекциянинг аҳоли орасида кенг тарқалишига йўл қўймасликка ҳам маъсул эканлиги алоҳида қайд этилди.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими



2020 йил 3 июнь
соат 19:00 ҳолатига



Касалланганлар
3815 нафар



Соғайганлар
3014 нафар



Вафот этганлар
15 нафар

ЕР – ХАЛҚ МУЛКИ

Прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси назорат тартибда ўрганилмоқда.

Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Фарғона шаҳридаги экин ерларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида хатлов ўтказилган. Натижада 323 та ҳолатда жами 55,2 гектар ер юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонунга зид равишда эгаллаб олингани, шундан 16,1 гектаридан ноқонуний қурилишлар қилингани аниқланган.

Хусусан, шаҳар ҳудудидаги «Мир Ферғана агробизнес» (собиқ «Темур Малик») фермер хўжалигининг 2,22 гектар экин майдонидан 31 нафар фуқаро 10 йил мобайнида қонунга хилоф равишда фойдаланиб келган. 13 нафар фуқаро бу ерда ўзбошимчалик билан уй қурган. «Фарғона Азиз Мўътабар» фермер хўжалигининг 0,81 гектар ерида 6 нафар, «Абдуҳалим Тохиржон икболи» фермер хўжалигининг 1,75 гектар ерида 11 нафар фуқаро ноқонуний уй қуриб олган.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларни қайтариш, бунинг оқибатларини бартараф қилиш ишлари яхши ташкил этилмаган. Ноқонуний эгаллаб олинган ерларнинг атиги 4,24 гектари асл ҳолига қайтарилган. 2,34 гектар майдондаги ноқонуний қурилмалар бартараф қилинган.

Ер кодексининг 7-моддасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ер-

лардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид ваколатлари белгилаб қўйилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Ер ресурслари ва геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тўғрисида»ги низомнинг 10-бандига асосан кўмита ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича назоратни олиб бориши, айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиши, давлат кадастрларини юртишда бошқарув ва ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштириши лозим.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан соҳага оид қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ижроси тўлиқ таъминланмагани, идоравий назорат сусайтириб юборилгани, мутасадди ташкилотларнинг фаолияти мувофиқлаштириб борилмагани оқибатида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларни қайтариш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этишга қаратилган прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди.

Шухратжон ИБРОХИМОВ,
Фарғона шаҳар прокуратурасида иш ўрганувчи



ДАВЛАТ ИЖРОЧИСИГА ТУХМАТ

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасига кўра туҳмат қилганлик, яъни била туриб ёлгон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача жарима белгиланиши мумкин.

Туҳмат қилган шахсга нисбатан жазо маъмурий суднинг қарорига мувофиқ қўлланади.

Жасурбек Комилов Норин туманида тутилган. Эндигина 31 ёшни қарши олган бу йигит бюронинг Мингбулоқ тумани давлат ижроچиси ва яна 3 нафар фуқарога қилган туҳмати учун жазосини олди.

Аниқланишича, Ж.Комилов МИБ Норин тумани бўлими давлат ижрочиси бошқа фуқаролар билан тил бириктириб, Бюро туман бўлимининг 2017 йил 25 август ва 2018 йил 12 мартдаги «Ҳаққулобод қурилиш савдо комплекси» МЧЖнинг мулкчини электрон-онлайн аукционга чиқариш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишга эришган деган уйдирма тўқиб, видеолавҳа тайёрлаб ижтимоий тармоққа чиқариб юборди.

Маъмур ҳолат юзасидан ўтказилган суриштирувда Ж.Комиловнинг бу ҳаракати ёлгон, бошқа шахсларни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатишга қўлдан келтирилганлиги аён бўлди.

Ўз ўрнида давлат ижрочисига нисбатан бюронинг Наманган вилояти бошқармаси Ички хавфсизлик шўъбаси хизмат текшируви ўтказди. Текширувда ижрочининг ноҳўя ҳаракат қилмагани аён бўлди.

Наманган тумани маъмурий суди томонидан Ж.Комиловнинг била туриб уйдирма тарқатгани исботланди. Унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараварига тенг жарима жазоси тайинланди.

Дамир МАҲМУДОВ,
Бош прокуратура ҳузурдаги МИБ бошқарма бошлиғи



ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Эришилган ютуқлар ва илғор таълим услубларини жорий этиш, тажриба алмашиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассисларини ўқитишни замонавий муаммоларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Бош прокуратура академияси томонидан 2020 йилнинг 27 май куни «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги таълим салоҳиятини ошириш: муаммо ва ечимлар» мавзусида халқаро илмий-амалий онлайн конференция ўтказилди.

Тадбир Бош прокуратура академияси ташкил этилганининг икки йиллиги ҳамда шу давр мобайнида қилинган ишлар сарҳисобига бағишланган бўлиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, «Минтакавий мулоқот» ХННТ ваколатхонаси кўмағида ташкил этилди.

Анжуман ялпи ва тематик сессиялар шаклида ташкиллаштирилиб, унда пандемия шароитида таълим жараёнини ташкил этиш масалалари, таълим сифатини бошқариш, юридик фан ва маорифнинг коррупцияга қарши курашишдаги аҳамияти, жинсий даромадларни легаллаштиришга оид ҳамда мураккаб молиявий жиноятлар терговини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Сессияларда илм-фан ва таълим соҳасидаги 170 дан зиёд хорижий ва миллий экспертлар, шунингдек 24 давлат ва 10 та халқаро ташкилот, жумладан, БМТ агентликлари, Жинсий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашувчи Евросиё гуруҳи котибияти, Халқаро антикоррупция академияси (АКА), Жинсий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро тармоқ институти, Молиявий мониторинг бўйича халқаро ўқув-методик марказининг халқаро департаменти амалиётчилари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг ўринбосари Эркин Юлдашев ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори, академик Акмал Саидов академияда қисқа даврда эришган илмий натижаларга тўхталиб ўтилди.

Конференцияни ташкил этишда яқиндан ҳамкорлик қилган БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси минтакавий вакили Ашита Миттал, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, элчи Жон Макгрегор, «Минтакавий мулоқот» ХННТ ваколатхонаси раҳба-

ри Мьюша Север академия жамоасини қўлаб, трансмиллий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш, оид суллов соҳасидаги ислохотлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва бошқа муҳим йўналишларда ҳамкорликни давом эттиришга тайёрликларини билдирди.

Ҳамкорлар академиянинг юридик таълимни ривожлантириш, инновацион таълим ва рақамли технологияларни жорий этиш, фан ва таълимнинг юқори стандартларига эришиш борасидаги ташаббусларини қўлаб-қувватлашди.

Конференцияда Халқаро антикоррупция академияси директори Т.Шельзер, Жинсий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро тармоқ институти раҳбари В.Овчинников, Халқаро антикоррупция академияси фахрий ижрочи директори М.Кройтнер, Озарбайжон бош прокуратураси илмий-таълим маркази бошлиғи Н.Байрамов, Арманистон адлия академияси ректори ўринбосари А.Манасян, Қозғистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси коррупцияга қарши курашиш тадқиқот маркази раҳбари Ж.Рисбекова, Кембриж университети Марказий Осиё форуми директори, доктор С.Саксена, Россия олий иқтисодийет мактаби коррупцияга қарши курашиш маркази директори А.Конов, Россия тергов кўмитаси Санкт-Петербург академияси малака ошириш институти директори Т.Розовская ва бошқа илмий-таълим муассасалари раҳбар ва ходимлари иштирок этдилар.

Ўтказилган ялпи йиғилиш ва тематик сессиялар натижаларига кўра конференциянинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий ва таълим салоҳиятини ошириш, идораларо ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган тавсиялари қабул қилинди.

Ҳайрун НИГМАДЖАНОВ,
Бош прокуратура академияси бошлиғининг ўринбосари

ЭЗГУЛИК ВА ҚУВОНЧ

Диёримизда болаларга юксак даражада ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Улар бундай имкониятдан унумли фойдаланиб, турли соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

1 июнь – Халқаро болаларни химоя қилиш кунини муносабати билан юртимизнинг барча хуудулариди бўлганидек, Наманганда ҳам хайрли тадбирлар ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир Наманган вилоятида 500 мингга яқин ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги 705 та мактаб ўқувчилари мамлакатимиз ва халқаро микёсда ўтказилган фан, спорт, санъат бўйича турли танлов ва мусобақаларда юкори натижаларга эришди.


Байрам муносабати билан Бош прокуратура ташаббуси билан шаҳар ва туман прокуратуралари ҳамда халқ таълими бўлимлари ҳамкорликда санитария-эпидемиология қоидаларига амал қилган ҳолда ижтимоий-хукукий ёрдамга муҳтож 110 нафар болага, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ихтисослаштирилган болалар уйининг 50 нафардан зиёд тарбияланувчисига кийим-кечак ва ширинликлар ҳадя қилинди. Барча шаҳар ва туманларидаги уйда яқка тартибда таълим олаётган ва профилактик назоратга олинган 400 дан ортик ўқувчининг хонадонига борилиб, совғалар улашилди.

Йўқлов давомида прокуратура вакиллари ёшларнинг қизиқишлари, орзумидлари, интилишлари билан яқиндан танилишди. Уларнинг таълим-тарбияси, илм-маърифат чўққиларини забт этишлари учун яратилаётган имкониятларга тўхталиб, ўғил-қизларга муваффақият тиладилар.

Прокуратура органлари томонидан ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилишдан қўзланган мақсад уларни ватанга муносиб инсонлар этиб қамолга етказишдир. Улар нафақат байрам кунлари, балки доимо шундай эътибор ва ғамхўрлик оғушиладир.

Сардорбек НИШОНОВ,

Наманган вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси



NAZORAT

ИЖРОСИЗ ҲУЖЖАТНИНГ ЗАРАРИ

Бош прокуратура томонидан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазириликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси ўрганилди.

Аникланишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ҳисоби юритилуви «lrgo.gov.uz» тизими орқали вазириликка 174 та ҳужжат бўйича 1017 та топширик келиб тушган.

Ўрганишлар вазириликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари бўйича ижро интизоми юқориди қарор ва у билан тасдиқланган «lrgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимининг ишлаш тартиби тўғрисида»ги низо асосида ташкил қилинмаганини кўрсатди.

Хусусан, давлат раҳбарининг топшириқлари ижросини сўзсиз таъминлашга қаратилган қатъий чоралар кўрилмагани оқибатида тизимга киритилган 18 та топширик ўз вақтида бажарилмасдан қолган. Жумладан, Президентнинг 2019 йил 20-21 август кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи баёнининг 19-бандида Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Тўямўйин» иккинчи кўтарма насос станциясини реконструкция қилишни 2019 йил 30 декабрга қалар бошлаш белгиланган.

Бирок мазкур объектда ҳалигача қурилиш-монтаж ишлари бошланмасдан, лойиҳани амалга ошириш кечиктириб юборилган.

Топшириқлар ижросига етарли маъсулия билан ёндашилмагани оқибатида шу кунгача тизимга киритилган 55 та топширик муддатидан кеч бажарилган. Масалан, 2018 йил 27 июлдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокида Жиззах шаҳрида канализация тизимини ривожлантириш лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори билан тасдиқланган йўл харитасида узунлиги 1216 метр бўлган «Фирдавс» даволаш маркази, 225 метр бўлган «4-Сайилжой» канализация тармоқлари ҳамда «Зилол» канализация насос станциясини қуришни 2020 йил 31 январга қадар яқунлаш ҳақида топширик берилган. Лекин вазирилик ушбу топшириқни кечикиб бажарган.

Шу билан бирга, вазириликнинг маъсул тармоғи томонидан юқориди топшириқлар ижроси бўйича ўрганиш кунига қадар электрон тизимга белгиланган тартибда маълумотлар киритил-

маган. Оқибатда улар 2020 йилнинг 24 март кунига қадар тизимда «ижроси таъминланмаган топширик» сифатида сақланиб келган.

Худди шу каби вазириликда ушбу масалага совуққонлик билан қараб келинган оқибатида 15 та топшириқнинг бажарилишига оид маълумотлар «lrgo.gov.uz» тизимига ўз вақтида киритилмагани аникланиб, Бош прокуратура аралашуви билан камчилик бартараф этилди.

Бундан ташқари, электрон тизимга топшириқлар ижроси бўйича тўлиқ бўлмаган ва сифатсиз ахборот киритиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Оқибатда Ҳисоб палатаси томонидан 36 та топширик ижроси қоникарсиз деб топилиб, назоратдан олинмасдан қайтарилган.

Ноқонуний харажат ва ортикча тўловлар давлат бюджетига қайтарилган.

Шундай бўлса-да, вазирилик камчиликларни бартараф этмаган ва тизимга қўшимча маълумотлар киритмаган.

Мисол учун, давлат раҳбарининг Сирдарё вилоятига 2019 йил 19 февралдаги ташрифи баёнининг 9.1-банди ва 2019 йил 18 июлдаги ташрифи баёнининг 14-бандида белгиланган топшириқлар ижроси бўйича ахборот киритилган. Бирок ушбу топшириқлар ижроси юзасидан вилоятнинг 7 та ту-

мани марказини оқова сув тизими билан таъминлаш объектлари бўйича техник-иқтисодий асослар (ТИА) ишлаб чиқилмагани боис Ҳисоб палатаси томонидан назоратдан олинмасдан, ижросини давом эттириш учун қайтариб юборилган.

Ўрганиш натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг администрацияси ҳамда Вазирилар Маҳкамасига ахборот берилди. Шунингдек, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазириликка аникланган қонунбузилишларни бартараф этиш ҳамда айбдорларга нисбатан интизомий чора кўриш тўғрисида тақдимнома киритилган.

Тақдимнома 2020 йил 5 май кунини вазириликнинг барча ходимлари иштирокида ўтказилган йиғилишда муҳокама қилиниб, айбдорларнинг интизомий жавобгарлик масаласи хал этилди.

Шунингдек, вазирилик тизимда йўл қўйилган ўзлаштириш, 1,2 млрд. сўм ноқонуний харажат ва ортикча тўловлар давлат бюджетига қайтарилган.

Шу билан бирга, вазирилик томонидан аникланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича 12 банддан иборат йўл харитаси ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинди.

Заҳриддин ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Пойтахтда Тошкент шаҳар ҳокимлигига тўғридан-тўғри бўйсунадиган “Янги ҳаёт” кичик тумани ташкил этилади.

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ МАСЪУЛЛИГИ

БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Болалик – бегуборлик. Инсон ёши улғайганида болалигини ширин хотиралар билан эслаши шундан. Болалар – миллатнинг келажаги ва ғурури. Шунинг учун юртимизда ёшларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилади.

Инсон ҳуқуқлари бола ҳуқуқидан бошланади деган сўзлар бутун дунё тан олган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида мазкур конвенцияда мустақамланган тамойилларни миллий қонунчилигида тўлиқ акс эттирган. Зеро, болаларнинг эркин улғайиши, камол топиши учун шароит яратиб бериш демократик фуқаролик жамиятига хосдир.

Болалар ҳам вақти келиб катта бўлади. Шундай экан, уларни келажакка тайёрламоғимиз, жамиятда бурчлари қатори ҳуқуқлари ҳам борлигини уқтириб бормоғимиз лозим.

Президентимизнинг 2020 йил 29 май куни қабул қилинган «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан ҳам айнан биз тилга олаётган жиҳатлар камраб олинган.

Маълумки, Президентимизнинг 2019 йил 22 апрелдаги «Бола ҳуқуқлари қафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилган эди. Мазкур қарор билан эса вакилнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажариш стратегиясини ва бола ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда

амалга оширишда иштирок этади. Болалар ва уларнинг қонуний вакиллари орасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тушунтиради, бола ҳуқуқлари ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти ҳақидаги халқаро ҳамда миллий нормаларни тарғиб қилади. Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, болалар ҳамда уларнинг қонуний вакиллари билан бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги муносабатларини кўриб чиқиш орқали болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини ўрганади. Бундан ташқари, имконияти чекланган болалар, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар бўлса муассасаларини тамомлаганидан кейин уларнинг ижтимоий мослашувига, уй билан таъминланишига қўмақлашади.

Мазкур қарорда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари билан бир қаторда, унинг ваколатлари ҳам белгилаб берилган.

Қарорга кўра, вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва уларнинг мансабдорларига тобе бўлмаган тарзда бажаради. У дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва Олий Мажлис палаталарининг розилигисиз жинсий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамокка олиниши ёки суд тартибидан берилмаган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Аҳамиятисиз, вакилга нисбатан жиноят иши фақат Бош прокурор томонидангина кўзгатилиши мумкин. Уни мажбурий келтириш-

га, ушлаб туришга, шунингдек, шахсий буюмлари, юки, транспорти, уйи ва хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) вакилнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Вакил Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи минтақавий вакилларига эга бўлади. Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда вакил билан келишилади.

Қарорда ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун вакилнинг ҳуқуқлари ҳам белгилаб берилди.

Вакил давлат органлари ва ташкилотларидан ўз ваколатига қирадиган масалалар юзасидан статистик, таҳлилий ва бошқа ахборот ва материаллар сўраши, давлат органларининг маълумотлар базасидан белгиланган тартибда фойдаланиши, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари бузилган ҳолатлар ҳақидаги хабарни ваколатли давлат органлари, мансабдорлар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан биргаликда текшириши, Ўзбекистон конституциявий суди кўриб чиқиши учун қонунга мувофиқ масалалар киритиши, мазкур суднинг мажлисларида қатнашиши ва кўриб чиқилаётган барча масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этиши, бола ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни мониторинг қилиш ва муносабатларни кўриб чиқиш доирасида давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига бола ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш бўйича кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдирномалар киритиши мумкин. Бундан ташқари, қарорда вакилга яна бир қатор ҳуқуқлар берилди.

Шунингдек, мазкур қарор билан бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини мониторинг қилиш мақсадида вакил хузурида Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилади-ган бўлди. Қарорда кенгашнинг асосий вазифалари ҳам белгилаб берилди.

Мазкур кенгаш таркибига обрўли фуқаролар, олимлар, экспертлар, нодавлат ноғижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари киритилади.

Қарорда обудсманга манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда халқаро тажрибаларга таянган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунга мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларни киритишни назарда тутувчи, шунингдек, «Давлат божи тўғрисида»ги қонунга Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳамда вакилни давлат божини тўлашдан озод қилинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг қатъий рўйхатига қўшиш бўйича ўзгаришлар киритишни назарда тутувчи иккита қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, оила, жамиятда бўладиган муносабатлар фарзанд тарбияси учун нечоғли аҳамият касб этса, жамиятда бола ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бу тарздаги ҳимояси ҳам уларнинг камолоти учун шунча муҳим. Шундай экан, бу борадаги эзгу ишлар кўлами ортиши жамият раванки йўлидаги дадил кадам деб бемалол айта олишимиз, бу ишда ўзимиз ҳам фаол қатнашимиз керак.

Фарҳоджон НАЗАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

MUNOSABAT

УРУШ ДАВРИ ОНАЛАРИ

Она тўрт ўғлини фронтга юборди. Уруш урушлигини қилмоқда эди. Улардан бирин-кетин қорахат кела бошлади. Шу онларда онанинг айюҳаннос солгиси келди, бироқ уйдаги келинлари ва невараларининг бағрини тиглагиси, ярасига туз сепгиси келмади. Дарё бўйига борди. Яратганга илтижо қилиб, ўғилларини қайтаришни ёхуд ўзига сабр беришини сўраб фарёд урди. Унинг нола-ю фиғонидан қоронғу осмон титради...

Онанинг уйда қолган бир ўғли ҳам ҳарбий комиссариатга муносабат қилиб, фронтга юбориларини сўради. Бир оиладан тўрт киши фронтга юборилган тақдирда қолган оила аъзолари бориши шарт эмаслиги ҳақида қонун бўлса-да, унинг талабини эшитган ҳарбий комиссарнинг «Онаг нимга дейди?» деган саволига у мардонвор туриб «Онагни ўзим кўндираман» деб жавоб берди.

Онаси эса бирон оғиз сўз демади, қаршилик кўрсатмади. Бу ҳолат онага худо берган метин ирода, чидам ва танглик ифодаси эди.

...Тошкент вилояти Зангиота тумани Хонобод қишлоғида яшаб ўтган Зулфия Зокирова ва унинг беш ўғли-

нинг аламли тақдир ҳақида тасвирга олинган «Илҳак» бадиий фильмининг кўриб, вужудим титради. Ўзбек аёлининг метин иродаси ва мардлигига яна бир бор тан бердим.

Ажабо дейман беҳтиёр... Уруш йиллари ўсмир бўлган раҳматли онам ўша мудҳиш даврни эслаб «Ўша йилларда урушга кетган йигитларнинг ҳар бирининг бўйи икки метрдан кам эмас, бир паҳлавон, бир азамат йигитлар эдики, гўё уруш учун тутилган дейсан киши» дер эди.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган қаҳрамон ўзбек ўғлонлари, уруш бўлаётган ҳудудлардан эвакуация қилинган болалар, аёллар ва кексалар, кўчириб

келтирилган завод-фабрикалар, юртимиздан фронтга юборилган кийим-кечак, озиқ-овқат, қурол-аслаҳа сонини акс эттирувчи рақамлар билан танишган киши халқимизнинг мардлигига яна бир бор амин бўлади.

Аслида бу аламли йиллар доғини, халқимизнинг мислсиз жасорати-ю матонатини на шеърга, на достонга, на кинога сиғдириб бўлади. Аммо «Илҳак» фильми барчамизни аждодлар матонатидан ўрнак олиб, оёқ-йишга кунлар кадрига етиб яшашга ундагани билан аҳамиятлидир.

Абдулақим МУСАЕВ,
Деҳқонобод тумани прокуратурининг катта ёрдамчиси



ИЛМИЙ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

ҲОЛАТИ, ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Давлат раҳбари 2020 йилнинг 24 январь куни Олий Мажлисга қилган мурожаатида 2020 йилга «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийetni ривожлантириш йили» деб ном беришни таклиф этгани бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизда илм-фанни янада рақнақ топтириш, рақобатбардош иқтисодийetni шакллантириш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш ҳаётини заруратга айланиб бормоқда.

Сўнгги йилларда юридик таълим тизимини такомиллаштириш, ўқув-педагогик жараёнга илғор халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, барча низомилар янгиланди.

Шундай бўлса-да, юридик таълимнинг самарадорлиги пастлигича қолмоқда. Бу юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва юридик фанни ривожлантиришга тўқинлик қилаётган тизимли муаммолар мавжудлиги билан изоҳланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошликни таъминлашга замин яратди.

Юридик таълим ва фанни янада ривожлантиришнинг ушбу устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда илмий кадрларни тайёрлаш ва юридик фанни ривожлантиришга қаратилган миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Утган давр мобайнида олий ўқув юртидан кейинги юридик таълимнинг ривожланиш динамикасини ва муаммоларини аниқлаш мақсадида 1992-2019 йиллар мобайнида республикамизда юридик фанлар бўйича муваффақиятли ҳимоя қилинган диссертациялар таҳлил қилинди.

Маълум бўлишича, бу даврда юридик ихтисосликдаги илмий кенгашларда жами 783 та (шундан фан номзоди (PhD) – 619 та, фан доктори (DSc) – 164 та) диссертация муваффақиятли ҳимоя қилинган. Уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ҳақамлик жараёни ва медиация», «Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи», «Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ва адвокатураси» ва «Коррупция муаммолари» ихтисосликлари бўйича диссертация ҳимояларининг сони аянчли аҳволда.

Қарийб 30 йил давомида мамлакатимизда ҳарбий ҳуқуқ соҳаси деярли ривожлантирилмади.

Амалиётни ва мутахассисларнинг фикрини ўрганиш ҳамда бир неча йиллик илмий ва эксперт кенгашлари фаолиятидаги шахсий кузатувлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш керакки, илмий кадрларни тайёрлаш ва юридик фанни ривожлантириш бир неча фундаментал ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишни талаб этади.

Биринчидан, диссертацияни объектив баҳолаш, тадқиқотнинг икки томони, яъни илмийлиги ва диссертант малакасининг ўзаро мослигига баҳо беришда суҳбатчилик, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилда яш тутуш, айрим ҳолларда илмий кенгаш ёки илмий семинарлардан «ноқулай» аъзоларни қўқариб ташлаш, уларнинг ихтисослиги тўғри келса-да, бироқ хулоса ёки тақриз олиш учун диссертацияни бошқа ихтисосликка эга шахсларга тақдим этиш каби салбий ҳолатлар кузатилади.

Қолаверса, илмий кенгашлар диссертантга расмий оппонентларни белгилашда «манфаатлар тўқнашуви»ни эътиборга олмайдиган ҳолатлар ҳам бор. Масалан, расмий оппонент сифатида диссертант илмий раҳбарининг раҳбарлигида илгари диссертация ҳимоя қилган шахсларнинг



белгиланиши бунга мисол бўла олади. Тўғри, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг (ОАК) бир қатор низомиларида «манфаатлар тўқнашуви»нинг олдини олишга қаратилган нормалар мавжуд. Бироқ мамлакатимизда илмий тадқиқотни амалга оширишда холисликни таъминлаш, тадқиқотнинг сифатини ошириш мақсадида:

1) илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида низомининг 49-моддасидаги етакчи ташкилот бўлиши мумкин бўлмаган ташкилотлар рўйхатида диссертант илмий раҳбарининг раҳбарлигида диссертация ҳимоя қилган шахс раҳбар бўлган ташкилотни киритиш лозим;

2) диссертация юзасидан етакчи ташкилот сифатида белгиланган ташкилотга юборилаётган диссертация ва авторефератларда диссертантнинг илмий раҳбари тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинмаслиги ҳам илмий холисона муҳокама қилиниши ва объектив тақриз берилишида муҳим омил вазифасини бажаради.

Қарийб 30 йил давомида мамлакатимизда ҳарбий ҳуқуқ соҳаси деярли ривожлантирилмади.

Иккинчидан, талабга жавоб бермайдиган диссертациялар бўйича унинг талабга жавоб бериши ҳақида хулоса берган илмий раҳбарнинг, шунингдек расмий оппонент ва етакчи ташкилотларнинг масъулиятини ошириш талаб этилади. Шунингдек, диссертация ва аттестация ишларини эксперт кенгашларида кўриб чиқиш жараёнида аниқланган камчиликлар ҳақида илмий кенгашларни хабардор қилиб бориш тартиби жорий этилиши керак. Тўғри, ОАК ҳузуридаги эксперт кенгашлари айрим ҳолларда (амалиётда бу камдан-кам учрайди) жиддий камчиликларга йўл қўйилган диссертациялар бўйича хулосаларни илмий кенгашларда муҳокама қилиш учун юборади. Ўз навбатида эксперт кенгашли экспертилари томонидан кўриб чиқилган деярли барча диссертацияларда камчиликлар аниқланади, муайян хулосалар тайёрланади. Бироқ ушбу камчиликларнинг аксарияти эксперт хулосасида, аниқроғи қоғозларда қолиб қетади. Экспертларимиз билдирган хулосалар, тавсияларни умумлаштириш ва диссертантларга илмий кенгашлар орқали мунтазам маълум қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш вақти келди.

Учинчидан, сўнгги пайтларда илмий жамоатчилик, хусусан, олий ўқув юртлири ўқи-

увчилари ва илмий тадқиқот муассасалари ходимларининг илмий ишлари халқаро эътироф этилган журналларда, жумладан, «Scopus» индексацияланган маълумотлар базаси рўйхатидаги журналларда чоп этиш доллар бажарма қасб этмоқда. Бу эса шу иш билан шугулланганидан ва натижада яхшигина пул ишлайдиган шахслар пайдо бўлишига олиб келди. Уларга илмий мақола чоп этиш мақсадида юрган шахслар тадқиқотига доир маълумотларни тақдим этади, улар эса ушбу материалларни нуфузли журналларга мос шаклга туширади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда айрим хорижий давлатларда бу ишни амалга оширадиган махсус компаниялар бор, улар бу мақолаларни кўриб чиқадиган шахслар билан мустаҳкам алоқада бўлади ва ҳоказо. Бир сўз билан айтганда, кўплаб давлатларда илмий мақолалар тайёрлайдиган индустриянинг фаолияти йўлга қўйилган.

Шу ўринда бир мисол. 2008 йилда Хитойда камида 4700 киши бировларнинг инглиз тилида ёзган мақолаларини сотиб

олган. 2007 йилда Хитойда сотиб олинган мақолаларнинг умумий ҳажми 1,8 млрд. юанга (270 млн. доллар) баҳоланди. 2009 йилда бу кўрсаткич 5,5 баравар ошди.

Ўзбекистонда «илмий мақолалар савдоси»нинг олдини олиш, илмий тадқиқотларнинг сифатли, ҳаққоний ва виждонан бажарилишини таъминлаш мақсадида ОАК ҳузурида махсус тузилма ташкил этилиши керак. Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига тўхталадиган бўлсак, масалан, АҚШда Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги қошида Тадқиқотнинг яхлитлиги идораси (Office of Research Integrity) ташкил этилган бўлиб, у турли тадқиқот муассасаларида тадқиқотчиларнинг номувофиқ хатти-ҳаракатларини кузатиб боради ва тарбиявий, профилактик ва тартибга солиш вазифасини бажаради.

Германияда Илмий тадқиқотлар бўйича кенгаш номувофиқ хатти-ҳаракатлардан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Юқоридегилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам илмий мақолалар савдосининг олдини олиш, тадқиқотларнинг сифатли, ҳалол ва виждонан бажарилишини таъминлаш мақсадида ОАК ҳузурида махсус тузилма ташкил этилиши керак.

Тўртинчидан, маълумки, «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида»ги низомида фан доктори бир вақтнинг ўзида учтадан кўп бўлмаган изланувчига илмий раҳбар ва маслаҳатчи бўлиши мумкинлиги, сўнгги уч йилда изланувчилари илмий ишлари ўз вақтида ҳимоя қилган илмий раҳбар ва маслаҳатчиларга ОТМ ёки ИТМнинг коллегиял органи хулосаси асосида бештадан кўп бўлмаган изланувчи бириктирилиши мумкинлиги белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, илмий раҳбар ва маслаҳатчи тайинлашдаги ушбу чекловлар айрим соҳаларда фан доктори ва илмий унвони бўлган фан номзоди ёки фалсафа докторларининг (PhD) етарли эмаслиги сабабли илмий тадқиқот билан шугулланиш истагида юрган кўплаб ёшлар учун илмий раҳбар тайинлашда муаммо келтириб чиқармоқда.

Қолаверса, юқоридеги низомининг 8-банди учинчи қисмида хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган изланувчиларга ўрнатилган меъёрдан ортиқ илмий раҳбар ёки консултант тайинланиши мумкинлиги белгиланган. Шу ўринда савол туғилади, нима учун хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган изланувчиларга имтиёз берилмоқда? Шундоқ ҳам айрим қўшни давлатлар (масалан, Россия, Қозғоғистон) билан солиштирганда диссертация ҳимоялари бўйича қуйи ўринларни эгаллаб турган мамлакатимизда ўз фуқаролари учун белгиланган ушбу чекловлар камситиш эмасми?

Зеро, Ўзбекистон Конституциясининг 42-моддасига кўра ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади, давлат жамаиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади. Шундай экан, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда илмий раҳбарларга изланувчи бириктиришдаги чекловлар бекор қилиниши лозим.

Бешинчидан, диссертация ва бошқа тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида ўзаро ҳурмат, масъулиятни ҳис қилиш, ишончлик ва ҳалоллик тамойилларини рўёбга қиқариш мақсадида «Илмий тадқиқотларнинг этика қоидаларини» ишлаб чиқиш вақти келди. Ушбу қоидалар кўчирмақилиш, уйдирма ва қалбақлаштириш каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди. Тўғри, ҳозир ОАКда кўчирмақилишни аниқлаш имконини берадиган махсус дастурлар мавжуд. Бироқ ОАК фаолиятида ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби ҳуқуқбузарликлар, қоғдабузарликларнинг олдини олиш масаласига эътибор беришни давр тақозо этмоқда.

Олтинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-қарори билан тасдиқланган Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларининг 9-бандида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка икки йилдан кам бўлмаган илмий-педагогик стажга ёки аниқ илмий ютуққа (ихтирога патент ёки муаллифлик гувоҳномаси) эга бўлган шахслар расмийлаштирилиши белгиланган. Амалиётда катта тажриба тўплаган шахсларни илмий фаолиятга жалб этишни кучайтириш мақсадида мустақил изланувчиликка расмийлаштиришдаги ушбу талабни бекор қилиш вақти келди.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, илмий-педагогик стаж фақат муайян фан соҳалари учун талаб этилади. Хусусан, Беларусда тиббий фан соҳалари учун мустақил изланувчиларни бириктиришда олинган мутахассислик бўйича икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиш, педагогик фан соҳалари учун эса олий таълим соҳасида мутахассис сифатида икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиш талаб қилинади.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

17 йиллик танаффусдан сўнг Фарғона халқаро аэропортидан юкларни хорижий давлатларга тўғридан-тўғри жўнатиш имконияти қайта тикланди.



Фарзанд комил инсон бўлиб улғайиши учун унинг тарбиясини қачондан бошлаш кераклиги ҳақида гап кетганида донишмандларнинг «Бу ишни бола дунёга келган лаҳзаданок бошлаш зарур» деган ўғити хаёлимиздан ўтади. Ўз келажагини ўйлайдиган давлат ҳам, миллат ҳам бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

У ҲАММАСИНИ СЕЗАДИ ВА АНГЛАЙДИ

Инсон зурриёти она қорнидалик пайтиданок ўзига нисбатан бўлган ҳар қандай жисмоний ва маънавий зугумни, ғайриқонуний ҳолатни рухан англаб, бунга ўз имконияти даражасида қаршилиқ кўрсатар экан. Эрак ҳомилдор аёлга қўл кўтарса, жанжаллашса ёки уни хафа қилса, бола онанинг қорнида ҳаммасини эшитаркан ва миясига ёзиб қўяркан. Ҳомиланинг товушларга таъсирчан бўлиши тадқиқотларда исботланган. Шунингдек, жанжал пайтида онанинг қонида тўланган адреналин ва бошқа захарли моддалар йўлдош орқали ҳомилга, тутилгандан кейин сут орқали чақалоққа ўтади.

Энг ачинарлиси, ҳомила ва гўдакнинг жисмоний, руҳий куч-қуввати билан катталарнинг имконияти, иродасини солиштириб бўлмайди, албатта. Ана шу нотенглик оқибатида катталарнинг болалар ҳуқуқини баъзан билиб-билмай, гоҳо шафқатсизларча поймол қилиши уларнинг бутун ҳаётига салбий таъсир этиши мумкин.

Олимлар шундай ҳолатни кузатишган: ҳомилалар аёл хурсанд бўлиб кулгандан бир неча соат ўтгач, унинг вужудидаги бола ҳаракат қилиа бошлаган. Гўдак она қорнида истеъж дунёга келишини ширин орзулар билан кутишаётганини хис қилса, ота-онанинг ёнида бўлиш, уларга ғамхўрлик қилиш туйғуси билан тугиларкан. Олимлар оилавий нотинчлик шароитида дунёга келган фарзандларда кейинчалик ўзига ишончсизлик, журъатсизлик, қатъиятсизликни кузатишган.

Ҳомилалар аёлга ҳар қандай шароитда яхши муносабатда бўлиш, унинг истакларини имкон қадар рўёбга чиқариш, кўркатмаслик, ҳар хил касалликлару яхши-ёмон назарлардан асраш шарғлигини момоларимиз ёшларга ўқитиб, ўғитларига ўзлари ҳам амал қилиб келишган. Ҳомилалар аёлга фақат ҳалол лўқма едириш – фарзанднинг ҳалол ва пок инсон бўлишига асос; она яхши нарсалар ҳақида ўйласа, боласининг ақли расо, хулқи гўзал, асаблари бақувват бўлади.

ҲАР БИР БОЛА ҚАЛБИДА БИР ДАҲО ЯШАЙДИ

Бола қалби саҳий тупроққа ўхшайди. Унга тушган ҳар қандай уруғ албатта униб чиқиб, мева беради. Бироқ иқтидорнинг шаклланиши, намоён бўлиши аввало ёшларнинг камол топиши учун

қай даражада шароит яратилганига боғлиқ. Электр чирокни кашф қилган Томас Эдисон болалигида бир кунни мактабдан келиб, онасига ўқитувчиси бериб юборган мактубни тутқазди. Онаси уни ўқир экан, кўзларидан ёш оқади. Ёш Томас бундан хавотирга тушиб, онасидан йиғисининг сабабини сўрайди. Онаси «Сенинг кучли қобилиятинг бор экан, ўқитувчинг «Ўғлингиз ўта иқтидорли, мактаб унга ва унинг қобилиятига торлик қилади. Шунинг учун ўғлингиз уйда таълим ола қолсин!» деб ёзибди» дейди. Шундай қилиб, Эдисон ўз уйда онасидан таълим-тарбия ола бошлайди.

Орадан йиллар ўтади. Томас буюк олим бўлиб етишади. Онасининг вафотидан кейин олим унинг жавонидан мактуб топиб олади. Орадан анча йил ўтган бўлса-да, у мактубни дарров танийди. Бу ўша, мактабдаги муаллими онасига ёзган хат эди. Эдисон хатни ўқий бошлайди: «Ўғлингиз ўта беақл ва қобилиятсиз бола. Эртадан бошлаб мактабга келмасин!».

Эдисон анча вақтгача йиғисини тўхта олмайди. Сўнг хотиралар дафтарига қуйидаги сўзларни битиб қўяди: «Эдисон ҳақиқатан ақлсиз бола эди, бироқ онасининг гўзал тарбияси сабабли истеъдод соҳибига айланган».

Бундан кўриниб турибдики, бир сўз билан инсон тақдирини ўзгартириб юбориш мумкин. Яъни бола тарбиясига масъул бўлган шахс – ўқитувчининг қўпол хатоси туфайли Эдисон хатда таърифлангани каби қобилиятсиз бўлиб қолиши мумкин эди. Онасининг зукколиги, фахму фаросати сабаб уни дунё таниди. Демак, бола кўнглида борлиқ яширин, фақат уни тўғри тарбиялаш, ойдин йўлга йўналтириш катталарнинг вазифаси, таъбир жонз бўлса бурчидир.

ТАРБИЯГА КИМ МАСЪУЛ?

Ушбу саволга бундан бир аср аввал буюк бобомиз Абдулла Авлоний қуйидагича жавоб берган: «Тарбияни қимлар қилур?» деган савол келадур. Бу саволга «Биринчи уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси. Бу муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур» деб жавоб берсақ...» Бундан кўринадики, келажак авлод тарбияси учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси масъул экан.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи сарфланмоқда. Бу

КАРАНТИНДАН ҲИҚМАТ ИЗЛАСАК...

У АСЛИДА ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА ИБРАТ КЎРСАТИШ УЧУН ИМКОНИЯТ

ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестиция миқдори бўйича тавсияларидан, яъни 6-7 фоздан қарийб икки баравар кўпдир.

ЎСМИР ҲАЁТДАН ЎРНАК ИЗЛАЙДИ

Баркамол авлодни тарбиялаш жамиятнинг энг юксак орзуларидан бўлиб келган. Мамлакатимизда ҳам ўқитишнинг янги усулларини татбиқ этиш учун халқаро ҳамкорликни кучайтириш чоралари кўрилмақда. Бироқ бугунги ютуқлар билан кифояланиб қолиш керак эмас. Кейинги йилларда фарзандларимиз учун аждоғларимизнинг ҳаётидан ўрнак оладиган, уларга ибрат бўладиган ўқиниш инсофдан эмас. Чунки инсон, айниқса ёшлар ибрат ахтарлади. Ибрат улар қаддини ростлаб олишларига ёрдам беради. Бугунги авлод кўнглига, талабига мос жавобни биз кўрсатиб бермасак, улар бегона қахрамонларга ҳавас қилиб юраверади.

КЕЙИНГИ ТАРБИЯ – КЕЧИККАН ТАРБИЯ

Бола 10-12 ёшгача катталарнинг айтганини, ундан сўнг билганини қилади. Кейинги тарбия – кечиккан тарбия. Фарзандингизни китобга ошно қилинг! Китоб болани илмли қилса, меҳнат уни тарбиялайди. Буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмулҳўжа Бехбудийнинг «Туркистон тарихи» сарлавҳали маколасида халқимизнинг тарихи буюклиги, ўтмишини яхшилаб ўрганиш ва ундан ибрат олиш зарурлиги, ахлоқни бузувчи ва хурофотга дахлдор китоблардан кўра тарихий, ахлоқий ва тарбиявий мўътабар китобларни ўқиш кераклиги ўқитилган. Бехбудий наздида «Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур». Шунинг учун болани китобга ошно қилинг, меҳнатга ўргатинг. Ўз меҳнатининг натижасидан хурсанд бўлишни ўрганинг. Ана шунда бола илмнинг, меҳнат қилган кишининг қадрига етади, ҳаётда ҳар бир ишни ўз кучи билан удалашни ўрганади, ота-онасини ҳам ҳурмат қилмайди. Китоб болани илмли қилса, меҳнат уни тарбиялайди.

Француз файласуфи Жан Жак Руссо «Фарзандларингизни толесиз қилишнинг энг сигналган йўлини айттайми? Улар нима деса, нимани сўраса ҳаммасини муҳайё қилаверинг. Ёш боланинг истаган нарсаси

муҳайё қилинса, у бориб-бориб нафс балосига гирифтор бўлади. Нафсининг қули бўлган кишидан эса инсоният ва жамият зарардан бошқа нарса кўрмайди» деб огоҳлантирган.

Болага китобни танлаб ўқишни ўргатиш керак. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўтказ қунар» романи оила аталмиш азалий иморатнинг мангу ва гўзал устунлари ҳақида ёзилган ибратли кўшиқдир. Фарзандларимиз унинг эзгу қахрамонларидан ўрнак олса, уларга ҳавас қилса кам бўлмайди. Зеро, наслларимиз киёфасида Қодирий ифодалаган маънавият, маданият, шарққа хос вазмивилути андиша кўриниб турибди...

ҚАЛБИГА КУЛОҚ ТУТИНГ!

Бизнинг доимий асабийлигимиз, шовиб юришимиз, режаларимиз олдида боланинг истакларини деярли аҳамиятсиз деб билишимиз, мурғак қалбга эътиборсизлигимиз унинг ўз ҳуқуқларини талаб қилишига имкон берамайди. Кўп ҳолларда катталарнинг болаларга ёши, ташвишлари, мавқеи нуқтан назаридан туриб ҳукмонлик қилиши, баҳо бериши фарзандларнинг ўз маънавий оламига сўзсиз бикиниб олишларига сабаб бўлади.

Ҳар бир ота-она фарзандининг ўз ҳуқуқини англаган, тарбияли, баркамол инсон бўлиб вояга етишини истайди. Бироқ истак рўёбга чиқиши учун шунга яраша интилиш бўлиши кераклигини унутмаслик лозим. Масаланинг муаммоси ҳам, ечими ҳам ана шунда.

Қиссадан хисса шуки, рамзий маънода эр-хотин бир дарахт бўлса, унинг хусни бўйида эмас, балки мевасида. Меваси эса уларнинг фарзандлари. Фарзандлар учун бахтиёр оила энг биринчи ва энг кучли тарбия ўчоғи.

Коронавирус туфайли карантин эълон қилинган шу кунларда ҳар доим иш билан банд ота-оналарда фарзандлари билан кўпроқ вақт ўтказиш имкони бор. Болаимиз бизнинг меҳримизни сезиши, ниятимизни яхшироқ билиши учун қулай фурсат. Энг яхши одатларимиз – китоб ўқишимиз, шеър айтишимиз, мусикадаги салаҳиятимиз, спортдаги қобилиятимиз билан фарзандларимизга ўрнак бўлайлик.

Юқорида таъкидлаганимиздек, инсонни ибрат тарбиялайди. Фарзандларимизга ўқиб берган битта шеъримиз ёки битта китобимиз унинг биз илғамаган қобилиятини очса не ажаб. Болаларимизни илмга, касбга, гўзал хулқларга ўргатиш учун берилган фурсатини қадрга етайлик! Шунда, қуш уясида кўрганни қилади деганларидек, оилаларда бахтиёр ва баркамол фарзандлар вояга етади.

Норбўта ГОЗИЕВ,
«НУҚУ»

Ёшлик – умрнинг баҳори. Бу даврда одам нималарни орзу қилмайди дейсиз. «Ўн саккизга кирмаган ким бор?..» деганларидай, навқирон даврга бағишланган куй-қўшиқлар, шеър у азаллар кўп.

Бу пайтда қилмишининг оқибатини ўйлаш, мулоҳаза қилиш ёки қимдан-дир фикр сўраш ёшлар учун ёт. Уларга насихат умуман ёқмайди. Ўз сўзини маъқуллаштига уринади. Албатта, ёшларнинг ҳаммаси шундай деган фикрдан йиркмиз. Лекин гуруч курмасиз бўлмайди.

Достон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир неча йил аввал маҳалласида Мунира ва Зухра билан бир беғона қизни учратди. Ёш йигитнинг кўнглида нотаниш сулувага нисбатан илиқлик пайдо бўлди. Вақтни бой бермай эртаси куни Мунирани йўқлади.

– Кечаги қиз қим эди?
– Ҳа, Дилдорани сўрайсанми? Тоғамни қизи бўлади.

– Таништириб қўймайсаними?

– Юрагиндан урдими?

– Шундай деса ҳам бўлади.

– Майли, эртага уйга бораман. Гапларингни етказаман. Агар рози бўлса учраштираман.

лан ўтказарди. У билан истироҳат боғларини кезар, кинога тушар, бозор айланарди.

Достон унга машина бошқаришни ўргатди. Дам олиш масканларидан ташқари зиёратхоналар ҳам уларнинг диққатидан четда қолмасди.

Орадан йиллар ўтиб Дилдоранинг отаси уйга қайтди. Достон яна совчи юбормоқчи бўлди. Бу гал ҳам қиз уни фикрдан қайтарди. Оиласи моддий жиҳатдан қийин аҳволда эканлиги, тўй қилишга шароити йўқлигини яшириб ўтирмади.

Қиз Достондан ҳеч сир яширмасди, ўргатаридаги муносабат ҳам самимий эди. Достон уни тушунди ва яна кутишга қарор қилди. Яна йил ўтди.

Ниҳоят, йигитнинг орзиқиб кутган кунлари келди. Оиласидагилар Дилдорани сўраб борди. Афсуски, Достоннинг йиллаб кутгани сароб бўлиб чиқди. Бир неча марта борган совчилар қайфиятсиз қайтаверди.

қишлоққа қайтди. Қишлоқда доимгидек бир неча марта учрашишди, орзу-хавасларга берилиб, тўйни куз ойларида ўтказишни келишиб олишди. Шундай кунларда қиздан ҳеч хабар бўлмай кетди. Кўнғироқлари, хабарлари жавобсиз қолаверган Достон тунда Дилдоранинг уйига бориб чақириб олди.

– Тинчликми, телефон ҳам қилмайсан?

– Акаларим сизга қарши, – деди қиз. – Мен уларга айтолмайман, отамдан ҳам кўркаман.

Шу пайт Дилдоранинг онаси ховлига чиқди. Йигит гаражга яширинди. Бирок аёл сезиб қолди. Шунда Дилдора онасига Достон келганини айтди.

– Чик гараждан, нимага келдинг? – деди она.

– Сизлар нега қаршилик қилаёпсиз? Агар бермасангиз барибир Дилдорани олиб қочиб кетаман, – деди Достон қатъий.

Шу пайт қизни кўтариб, олиб кетмоқчи бўлди. Аёл унга яхши гапириб уйига жўнатиб юборди.

Кейинги кун қизнинг онаси Достоннинг бувиси олдига келиб, ундан шикоят қилиб кетди.

Шунча йилдан бери оиласидагилар

қизда, – деди олдини тўсаятган Хуршидга.

– Менинг хотинимда қанақа гапинг бўлиши мумкин? – деди Хуршид.

Достон бу гапдан ақлу хушини йўқотди.

– Қанақасига сенинг хотининг? Бу менинг севган қизим, олти йилдан бери гаплашиб юраман.

– Ҳали эшитмадингми, хабаринг йўқми? Энди Дилдора менинг хотиним. Биз унаштирилдик!

Достон бу гапдан ёниб кетди.

– Ҳали тўй бўлмасдан қандай хотининг бўлади? Бу бола нима деяпти, гуруринг қани, виждонинг борми? – бақирди Дилдорага.

– Хуршид ака, бунинг ҳали хабари йўқ шекилли? – деди Дилдора беписанд. Унинг ҳеч нима бўлмагандек туриши Достонга оғир боғди.

– Унаштирилдик, яқинда тўй, – тасдиқлади Хуршид ҳам.

– Ҳеч қандай тўй бўлмайди, – деди Достон тишини ғижирлатиб. Энди у шок холатига тушиб бўлганди.

– Нимага бўлмас экан, тўй бўлади, – дея йигит ва қиз беписанд йўлида давом этди.

Шунда Достондаги алам, қахр, рашк, изтироб қайнаб чиқди, у ўзини бошқа

ДОСТОННИНГ СЕВГИ ДОСТОНИ

Достон Дилдора билан учрашувни узук кутмади. Эртаси қуниёқ учрашишди.

Дамни ғанимат билиб Достон қиздан телефон рақамини сўради. Дилдорага ҳам йигит маъқул келди шекилли, телефон рақамини берди.

Шундан кейин бу икки ёшнинг энг чиройли дамлари бошланди. Улар ҳар куни кўришишга уринар, мობодо кўришолмаса телефонда суҳбатлашарди.

Шу ўринда Дилдоранинг кунда-кунора учрашувга чиққишига қаршилик қиладиган яқинлари йўқми деган савол туғилди.

Дилдоранинг отаси бошқа вилоятда эди, акалари эса шаҳардаги уйда туришарди. Кўпинча Дилдора уйда онаси билан қоларди. Баъзан онаси акаларидан хабар олишга кетган пайтлари Мунира билан Зухра Дилдоранинг уйига келиб ётишар эди.

Тинимсиз суҳбатлар, учрашувлар бора-бора йигит ва қизни бир-бирига ипсиз боғлади.

Ширин дамлар, ёқимли таассуротлар қолдирадиган онларимиз жуда тез ўтгандай бўлса, андуҳга бой дамларнинг бир лаҳзаси соатдай туюлади.

Достон билан Дилдоранинг учрашиб юрганига ҳам икки йил бўлди.

Бир куни Достон совчи юбормоқчи эканини, ота-онаси рози бўлса уйланишини айтди.

– Ҳозир вақти эмас. Отамсиз тўй қилмаймиз, – деди Дилдора йиғламсираб. Шундагина отаси тухматга учраб қамалиб қолгани, ҳозир ҳам қамокда эканини айтди. Йигит қизнинг отаси қайтишини кутиб, кейинроқ совчи жўнатишга рози бўлди.

Дилдора университет талабаси бўлди. Қиз дарсдан ташқари вақтини Достон би-

– Нимага совчиларга йўқ дейишди? – Достон жигийбйорон бўлиб Дилдорадан сўради.

– Сабабини онамдан сўранг, мен билмайман, – деди Дилдора.

Уларнинг ўртасидаги муносабатлардан қизнинг онаси яхши хабардор эди. Чунки ўртадаги олти йиллик муносабатини яшириб бўлмас, уларнинг яқинлигини бутун қариндош-уруғлар, ёр-дўстлар биларди. Достон аёл билан гаплашди.

– Акалари норози бўлишмаяпти.

– Нимага қаршилик қилаёпти? Мендан ё оиламдан қамчилик топдимми?

– Йўқ, бундай ҳаёлга борманг, ҳеч қимдан кам жойингиз йўқ, – деди аёл. – Ўғилларим билан гаплашиб кўрай, рози бўлса кейин совчиларни жўнатасиз.

Шундан сўнг совчиликка қатнайвериб чарчаган ота-онаси, Достонга «у қизни сента бермайдилар барибир» дейишди.

Дилдора билан учрашиб, ота-онасининг қарорини айтди.

– Сабр қилиб турунг, уйдагиларни ўзим кўндираман, – деди Дилдора йиғлаб.

Достон ундан воз кечолмади. Ота-онасининг гапи ерда қолса-да, «шундан бошқасига уйланмайман» деб туриб олди.

Орадан икки хафталар ўтиб, Дилдора Хуршид деган йигит кўнғироқ қилаётганини айтди.

Достон у билан кўришди.

– Нимага Дилдорага телефон қилаёсан?

– Унга уйланмоқчиман.

– У сента тегмайди. У менинг қизим, анча йилдан бери гаплашиб юрамиз, – деди Достон. Гапларига ишонмаган Хуршидга Дилдора билан бирга тушган расмларини кўрсатди.

Шундан сўнг Хуршид орадан чиқди. Ёз келиб дарслари тугаган Дилдора



нинг қаршиликка қарамай, ундан воз кечмаган Дилдорада охириги пайтлар ўзгариш бўлганини йигит сезди. Ундаги бу ўзгаришларни ўзича тахмин қилиб кўрди. Аммо ҳеч нимани тушунолмай ғазаб келарди.

Кўп ўтмай Хуршид яна совчи юборганини эшитиб, у билан кўришди:

– Ўртадаги муносабатларни билардинг-ку, нимага яна совчи юбординг?

– Менга фарқи йўқ. Муносабатларингиз мени қизиқтирмайди, – деди у.

Шундан кейин Достон Дилдора билан кўришишга, боғланишга роса ҳаракат қилди. Лекин кўришолмади, гаплашолмади ҳам. Ўз ёғига ўзи қовурилиб, ҳеч қандак сизмай юрди.

Бир куни тушлик қилиб, ишга кетаётган Достон йўл-йўлақай бозорга кириб чиқди. Шу пайт йўл четидидаги йўлакда Дилдора билан Хуршидни кўриб қолди. Рашк ўти азёон баданини қуйдириди. Ўзини камситилгандай, масхаралангандай ҳис қилди. Хуршидни жиддий кўрқитиб қўйиш учун машинасидаги пичоқни олиб, уларга яқинлашди.

Унга Хуршид пешвоз чиқди.

– Бу бола билан нима қилиб юрибсан?

– бақирди у қизга. – Қоч, гапим бор шу

ролмай қолди: Хуршидни бошига бир уриб йикитди. Кейин ўзи севиб шунча йил ардоқлаган қизга бўлган муҳаббати бир лаҳзада нафратга айланди. Қизни тутиб олиб пичоқ санчаверди... Қизни ҳимоя қилмоқчи бўлган Хуршидга ташланди, уни ҳам жароҳатлади. Катта кўчада бирдан қий-чув бўлиб кетди. Одамлар Достонни маҳкам ушлаб олишди. Дилдора шу ернинг ўзида вафот этди.

Навбатдаги сеvgи достони шундай фожа билан якун топди. Бу воқеада қимлардир ўзини айблар, лекин энди афсусдан фойда йўқ. Достон хато қилганини панжара ортида узок ўйлаб кўради, пушаймон қилади. Бир лаҳзалик жад ҳаётини остин-устин қилиб юборганига баҳо беради. Ота-оналар ҳам фарзандлар тарбиясидаги бўшлиқни энди кўра бошлашади. Лекин энди жуда кеч...

Суд ҳукми билан Достон 21 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Эҳтимоллар кўп, хулоса қилиш ўзингиздан.

Дилшод ШЕРМАТОВ,

Бош прокуратура бошқарма АМИБ катта терговчиси

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган кексалар учун туристик йўлланма қиймати тўлаб берилади ва улар учун чегирмалар эълон қилинади.

ОРЗУЛАР ОҶАНГИДА АЛДАНГАНЛАР

Айни вақтда Жанубий Кореяга ишга кетаман деб орзу қилганларнинг катта қисми фирибгарларга алданаётган экан. Аслида у ерга ишлаш учун Кореянинг бандликка кўмаклашиш тизимидан ташқари ҳеч ким ҳеч кимни ишга юбора олмайди. Жанубий Корея дунёдаги ўн икки давлатдан ишчи қабул қилишни белгилаб қўйган, бошқа бирор давлатдан ишчи олмас экан.

Ўзбекистон шу ўн икки давлатдан биридир. Яна шуни эсдан чиқармаслик керакки, Кореяга бориб ишлаш учун имтиҳон ҳаражати тўланадиган бир неча ўн долларлик пул ва мослашмиш марказида ўқиш ҳамда тиббий кўриқдан ўтказиш учун Ўзбекистон томони агентлигига тўланадиган бир неча минимал маошдан иборат тўловдан бошқа бир тийин ҳаражати йўқ. Буларнинг бари биргалликда бир неча юз доллардан ошмайдиган маблағдир.

Лекин шуни билган ҳолда фуқароларимиз бу ишларга умуман ваколати бўлмаган фирибгарларга алданмоқда. Фирибгарлар гўё Кореяга ишга жўнатишни қафолатлаб, одамларни турли рекламалар билан ўзларига жалб этган ҳолда улардан 5000 АҚШ долларига-ча маблағ талаб қилмоқда. Шу пайтгача бундай кимсаларнинг бир қанчасига суд ҳукми билан жазо тайинланиб, мазкур ҳолатлар оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилаётган. Шундай бўлса-да, ҳануз фуқароларимиз бу каби кимсаларнинг алдовига умқоқдалар.

Анвар Тўхтаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам «хорижга ишга жўнатиш» операцияси ортдан икки кишини ҳув туширган. У ўзининг жинной режасига асосан интернетдаги «Facebook» ижтимоий тармоғига гўё фуқароларни Корея Республикасида жойлашган «Samsung» заводига ишга юбориши тўғрисида эълон бериб, фуқароларни кизиқтиради. Ушбу эълондан хабар топган Александр Шмойлов у билан аввалига смс орқали, сўнгра телефон рақамини олиб, суҳбатлашади. А.Тўхтаев биринчи «ўлжа» тўрға илинганига ишонч ҳосил қилгач, А.Шмойлов билан учрашади.

А.Тўхтаев суҳбатда Александрни «Samsung» заводига ишга жойлаштириб қўйиш масаласини Корея Республикасининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида юқори лавозимда ишлайдиган танишлари орқали ҳал қилишни ваъда беради. Бунинг учун эса уларга умумий ҳисобда 2000 доллар бериш лозимлигини айтиди. Унинг гапига ишонган А.Шмойлов фирибгарга 1850 доллар ва

500 минг сўм пул келтириб беради. А.Тўхтаев пулни қўлга киритгач, шахсий эҳтиёжларига ишлаб юборди ва Александрга турли баҳоналарни рўқач қилиб қораверади.

«Facebook»даги эълонни ўқиган Мансур Эрматов ҳам А.Тўхтаевнинг қармоғига илинади. Бу одам ҳам «Samsung» заводига ишлаш орзусида фирибгарга 2000 доллар беради. Бироқ орзусига етолмайди.

Кутавериб тоқати тоқ бўлган икковлон олдими-кетин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилишади. Тергов жараёнида А.Тўхтаев ҳақиқатан ҳам А.Шмойлов ва М.Эрматовни алдаб пул олганини тан олади.

А.Тўхтаевнинг қилмиши жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судида кўриб чиқилиб ҳукм ўқилди. Унга кўра 28 ёшли фирибгар йўлтигач 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Бехўзд АҲМЕДОВ,
департаментнинг Юнусобод тумани бўлими бошлиғи



ФИРИБГАР МУХБИР

Эллик ёшга кирган аёл ишонч қозониш илмини миридан сиригача пухта эгаллаган. Психолог бўлмаса-да, одамларнинг руҳиятидаги нозик қирраларни дарров илғаб олиб, устомонлик билан фойдаланган. Қоп-қоп ваъдалар бериб, алдаб кетаверган. Соддадиллар Фарғона вилоятидаги нодавлат телеканаллардан бирининг жамоатчи муҳбири сўзларига чиппа-чин ишонишган. Қилмишлари фош этилиб, бир неча бор ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилган бўлса-да, «жамоатчи муҳбир» тузалишни ҳаёлига ҳам келтирмаган экан.

Ойсарахон Ҳошимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) телеканалнинг «Менинг ўқитувчим» кўрсатувига лавҳа тайёрлагани Фурқат туманига борганида Халқ таълими бўлими раҳбарлари Мавжудахон Қодировани тавсия этишади. Тажрибали ўқитувчининг синфдаги дарси, хонадонидagi суҳбат тасвирга олинди, эфирга узатилади. Орадан бир неча кун ўтиб, Ойсара тумандаги «Оила» марказининг фаолиятини ёритиш учун борганида Мавжудахонга кўнгирик қилиб, «туман ҳокимлигига келинг, сизга совға бор» дейди. Туман ҳокимининг ўрибосари машинаси ёнларида тўхтаганида Ойсара М.Қодировани «мана менинг қаҳрамони» деб таништиради. Ҳоким ўрибосари «қа, яхши, Махбубахонга учрасин, тушунтиради» дея жўнаб кетади. Ўқитувчи «Йил аёли» танловига қатнашиш учун ҳужжатларини топиради.

— Опа сизга ўхшаган ўқитувчиларга «Spark» автомашинаси совға қилинапти, бошланғич тўловини тўласангиз бўлди, қолган ярмини тадбиркорлар тўлаб беришади, — дейди.

Мавжудахон ва турмуш ўртоғи О.Ҳошимовага ишониб бошланғич тўлов учун 1200 АҚШ доллари ва 210 минг сўмни бериб қўйишади.

— Банка топшириб, қвитанциясини бераман, — дейди фирибгар. Ўн-ўн беш кун ўтиб кўнгироқлашиб уйларига келади-да, «совғага «Spark» ўрнига «Жентра» машинаси берилган, тўлови кўпроқ экан» дея эру хотинини ишонтириб, бошланғич тўлов учун, деб тагин 2000 доллари қўлга киритади. Сўнг кўнгирик қилиб, «автомобилнинг ярим нархи 68 млн, сўм экан» дея алдаб, 3000 доллар ва 700 минг сўм, орадан бироз ўтиб яна 13 млн. 240 минг сўм пулини олиб кетади. Сўнгги бор 3 млн. 500 минг сўм пулни олгач, «бўлди, берган пулингиз 68 млн. сўмга етди, машинани Наврўз байрамида берамиз» деб хайр-маъзур қилади-ю, қайтиб қорасини кўрсатмайди. Кўнгироқларига жавоб бермайди.

Ойсара Наврўз байрами арафасида видеоролик тайёрлагани Учкўприк туманининг Полохон кишлоғига боради. «Кўк тўли ота» зиёратгоҳидаги ободонлаштириш ишларини тасвирга туширади.

— Эски маҷитни таъмирладик, — дейди маҳалла фаолларидан бири. — Туман ҳокимига бир неча бор мурожаат этдик...

Ойсара масжид очилишига ёрдам бериш учун 1000 доллар олиб кетади. Май, август ойларида тагин бир неча марта маҳалла аҳлини алдаб пулини олади.

Август ойида Учкўприк тумани 19-мактабдаги тадбирни тасвирга туширади. Тақдирланган спортчи йигит ва унинг отаси Абдукамол билан кўришади. Уйларига кириб оила аъзоларидан интервью олади. Абдукамолга ҳарбий хизматни ўтаб келган, кураш билан мунтазам шугулланган ўғлининг Миллий гвардияга хизматга киришига ёрдам беражagini айтиб, аввал 800 доллар, кейинроқ 1 млн. 800 минг сўм пулини олади. Вақт ўтиб, ўғлининг иши ҳал бўлмастлигига, алданганига ақли етган Абдукамолнинг кўнгироқларига жавоб бермай қўяди. Уйини топиб борганида, жамоатчи муҳбирнинг ўғли онаси бу ерда яшамаётганини айтгач, ИИБга мурожаат этади.

Тергов давомида фирибгарнинг оила аъзолари Полохон кишлоғи аҳли йиғиб берган 27 млн. сўм ва 4500 доллари, фуқаро Абдукамол Тургуновдан алдаб олган 800 доллар ва 1 млн. 800 минг сўмни қайтариб бериши. Суд тақорран жиноятга қўл урган фирибгардан ўқитувчи Мавжудахон Қодировани ҳам 74 млн. 473 минг сўмни ундириш, ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман қўшган ҳолда 5 йилу 2 ой озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Аброржон РАҲИМОВ,
департаментнинг Учкўприк тумани бўлими бошлиғи

ҲИСОБДАН «АДАШДИ»

Нафс кутқуси — шайтоний амал. У ақлга бўйсунмайдиган, қаноат деворини истаган пайт бузиб кетаверадиган кишиларга ўч бўлади. Зокир Алиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Ғиждувон туманидаги мактабларнинг бирига бош ҳисобчи бўлиб ишга кирган вақтида бировнинг ҳақиқат ҳақида ҳеч ўйламаган. Аммо йиллар ўтиб ўз ишининг ҳадисини олгач, аста-секин айний бошлади. Мансабини фойда келтирадиган, чўнтак қаппайтириб ғоз юришга чорлайдиган имконият деб билди. Айнан шу дақиқадан бошлаб хатога, тўғриси, жиноятга қўл урди.

Ўқув ишлари бўйича директор ўрибосари келтириб берган табелга кўз югуртирар экан, кўнглидан шундай ўй келди: «ЎЗАСБО дастури эмиш, бош бўғалтир деган номим бор, ахир... Қаловини топиб қорни ёндирсаммикан?...». Табелда кўрсатилмаган соатлар учун ЎЗАСБО дастури орқали 2017 йилнинг август, октябрь, ноябрь ойлари учун иш ҳақига асосан равишда 5 млн. 921 минг 900 сўм, олдинги ойда тўланмай қолган ҳеч қандай иш ҳақи бўлмаса-да, «тўланмай қолган иш ҳақи» ҳисоблаб январь, февраль, март, июнь, июль ва сентябрь ойлари учун 2 млн. 183 минг сўм пулни пластик картасига кўчириб, «оқ туя кўрдингми, йўқ» дегандек жимгина юрaverди. Тексин тоғли келиб, кечалари ухламай, қингир йўл билан пул топиш усуллари ҳақида ўйлаб чиқди. 2017 йилнинг июль, август, сентябрь ойларида рағбатлангир иш пули деб 3 млн. 945 минг 600 сўмни пластик картасига кўчирганида ақлнинг эмас, нафснинг ўғитларига қўлоқ тутаетган эди. Бу билан ҳам қоникмаган ҳисобчи 6 млн. 107 минг 600 сўм пулни ҳужжатларини сохталаштириш эвазига ўзиники қилиб қўйди.

Шу мактабда укаси электрик, турмуш ўртоғи хизматчи бўлиб ишлаши ҳам Зокир Алиевга қўл келди.


Қилаётган ишининг жиноятлигини ўйлаб ҳам

ўтирмай турмуш ўртоғига тегинли пластик картага турли саналарда жами 15 млн. 960 минг 400 сўм ўтказиб ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганида ҳам хотини ажабланмади. Худди шунингдек акаси мактабнинг бош ҳисобчиси эканлигидан гердайиб юрган Тохир Алиев ҳам пластик картасига осмондан келиб тушаётган миллионларнинг ҳисобини кун келиб бериш кераклигини ҳаёлига келтирмади. Расмий ҳужжатларга тақорран сохта ёзувлар киритиб, 12 млн. 711 минг 400 сўм пулни қонунга хилоф тарзда ишлатиб юборган.

Ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Зокир Алиевга нисбатан суд 1 йилу 6 ой муддатга мождий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, 20 млн. 668 минг 800 сўм жарима жазоси тайинлади.

Одамзод ўзини оқлашга зарурат туғилганда албатта шайтоний айбдор қилади. Унинг йўриғига юрмаслик учун аввало инсон маънавиятли бўлиш билан бирга бурч, қонун олдида жавобгарлик тўғуларини ҳам англаши керак. Ана шунда ҳаммаси жойида бўлади. Асосийси, жамоанинг ишончидан чиқиб, эл олдида юзи шувут бўлмайди.

Равшан РУСТАМОВ,
департаментнинг Ғиждувон тумани бўлими бошлиғи



УЗУМИНИ ЕНГ, БОҒИНИ ҲАМ СУРИШТИРИНГ!

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолатларини аниқлаш, бартаараф этиш каби вазибалар ҳам юклатилган.

Шундай ҳолатлардан бири Зомин туманидаги узумзорларнинг бирида аниқланди. Бюронинг туман бўлими ходимлари ўтказган текширишда маълум бўлишича, «Тошкент вино комбинати» АЖ участка бригадир О.Очилов Э.Холматов номидаги СИУ ҳудудида жойлашган узумзор ва бошқа экинларини сурғориш учун туман электр таъминоти корхонаси билан шартнома тузмаган ҳолда 100 кВт.лик иккита трансформаторни тармоққа ўзбошимчилик билан улаб, ноқонуний фойдаланиб келган. Оқибатда электр таъминоти корхонасига 59 млн. 768 минг сўм зарар етказилган.

Аммо О.Очилов биринчи марта жиноят содир этгани, ўттиз кун ичида етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, қилган ишдан пушаймонлиги сабабли жавобгарликдан озод этилди.

Агар шундай ҳолат яна такрорланса қилмишига яраша жазо олиши аниқ.

Хусан МИРАЗИМОВ,
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси катта инспектори

ЭЛЕКТР ЎҒРИСИ

Мажбурий ижро бюросининг Бойсун тумани бўлими ходимлари олинган тезкор маълумотга асосан Мустақиллик маҳалласида фаолият кўрсатаётган гипс цехида ўтказган текширишда электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланиб келинаётгани аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан далолатнома расмийлаштирилиб, истеъмолчи электр тармоғидан узилган.

Мутахассисларнинг хулосасига кўра ушбу цехда электр энергиясидан ўғринча фойдаланилиши оқибатида Сурхондарё ХЭТК АЖга 25 млн. 887 минг сўмлик зарар етказилган. Ҳозир ушбу ҳолат юзасидан суриштирув олиб борилмоқда.

Равшан НАМАЗОВ,
МИБ Сурхондарё вилояти
бошқармаси бошлиғи

ХОНАДОНДАГИ ЯШИРИН ЦЕХ

Юртимизда давом этаётган карантин вақтида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Афсуски, айрим фуқаролар бунини суиистеъмол қилиб, «биров билмайди» қабилида эгри иш тутаётгани ачинарли, албатта.

2020 йилнинг 12 май куни Мажбурий ижро бюросининг Андижон шаҳар бўлими ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг Пахтакор маҳалласида истикомат қилувчи Р.Дарвешев ўзининг хонадонда яширинча оҳак ишлаб чиқариш цехини ташкил этиб, табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келаётгани аниқланди. Бюро ходимлари бу ерда иккита хумдонда оҳак тайёрланаётганига гувоҳ бўлишди.

Ҳеч бир ҳужжатсиз, таъминотчи корхона билан шартнома тузмасдан табиий газ тармоғидан ўғринча фойдаланиш фуқаро учун қимматга тушиши шубҳасиз.

Мазкур ҳолат юзасидан ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Жамшид БЕГМАТОВ,
МИБ Андижон шаҳар бўлими бошлиғи

ХАЙРИЯ ИШЛАРИ

Карантин шароитида саҳий инсонлар, тадбиркорлар ва турли идоралар томонидан муҳтожларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга кўмак бериш мақсадида ташкил этилаётган хайрия тадбирлари халқимизга хос ҳамжиҳатлик, саховат-пешалиқни яққол намоян қилаётди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрли ишларга Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилояти бошқармаси ходимлари ҳам ўз хиссасини қўшмоқда.

Хусусан, бюронинг Қарши тумани бўлими ва туман прокуратураси ҳамкорлигида 2-сектор ҳудудидаги эҳтиёжманд оилалар рўйхати тузилиб, 100 та оилага озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Тадбирга «Rustam qurilish invest» ва «Qarshi AGNKS» МЧЖлар хомийлик қилди.

Саховат тадбирлари давом этмоқда.

Сарвар Тўраев,
МИБ Қарши тумани бўлими бошлиғи

ҚАРЗДОР ОТАЛАР ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Пайариқ туманлараро судининг ҳужжатига асосан М.Валиев собиқ турмуш ўртоғи Д.Ҳасановага икки фарзанди вояга етгунига қадар алимент тўлаб бориши белгиланган ва шу асосда Мажбурий ижро бюросининг Оқдарё тумани бўлими томонидан ижро иши юритилган.

Лекин кўрилган чораларга қарамастан М.Валиев фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келган ва бугунги кунга келиб унинг қарзи 19 млн. 390 минг сўмга етган.

Шу сабабли бюронинг туман бўлими унга нисбатан керакли ҳужжатларни тўлаб, чора кўриш учун туман маъмурий судига тақдим қилган. Оқдарё тумани маъмурий судининг қарори билан М.Валиевга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси билан 15 сутка қамоқ жазоси тайинланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг ҳужжатига асосан Ж.Нишонов собиқ турмуш ўртоғи С.Халиловага фарзанди вояга етгунига қадар алимент тўлаб бориши

белгиланган. Аммо Ж.Нишонов оталик бурчида масъулиятсизлик билан қараб, алимент тўлашдан бўйин товлаб келгани учун қарзи 14 млн. 770 минг сўмга етган.

Профилактик чоралар қор қилмагач, бюронинг Каттақўрғон шаҳар бўлими томонидан унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар чора кўриш учун туман маъмурий судига тақдим қилинган. Суднинг қарори билан Ж.Нишонов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси билан 15 суткага қамади.

Одил Тўхтаев,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси бўлим катта инспектори

АЛИМЕНТ УНДИРИЛДИ

Фарзанд ота-она учун илоҳий неъматдир. Афсуски, оилавий ажримлардан аввало фарзандлар азият чекади.

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2018 йил 15 мартдаги ҳужжати қўра С.Удан Г.А.га вояга етмаган уч фарзандининг таъминоти учун ҳар ойлик даромадининг 1/2 қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланган. Ижро ҳужжати Бюронинг туман бўлимига 2018 йил 26 март куни келиб тушган ва шу куни ижро ишини юритиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Алиментчи ота 2018 йил март ойдан 2020 йилнинг май ойига қадар, яъни 27 ой давомида умуман алимент тўламаган. Карантин шароитида уйда қолаётган фарзандлар учун алимент пули жуда муҳим. С.У.га бу тушунтирилгач, 2020 йил 22 май куни у 43 млн. 484 минг сўм қарзини Г.А.га тўлиқ тўлаб берди.

Жўрабек РУСТАМОВ,
МИБ Учтепа тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари



БЕФАРҚЛИКНИНГ ЧОРАСИ

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2012 йил 16 октябрдаги қарорига кўра Ё.Яхшибоевдан Ш.Яхшибоевага икки фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган.

Қарздор ота анча вақт алимент тўламагач, 2013 йил 13 январь куни унга нисбатан қидирув эълон қилинган. Орадан 7 йил ўтиб у Россиядан қайтиб келган ва бюронинг Янгиер шаҳар бўлими томонидан қарздорга нисбатан қидирув бекор қилинган. Ижро ҳаракатларига киришилган ва алиментдан жами 68 млн. 503 минг 525 сўм қарзини тўлаши ҳақида бир неча марта огоҳлантирилганига қарамастан тўлашдан бош тортгани сабабли Маъмурий жавобгар-

лик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига асосан тўпланган ҳужжатлар Янгиер шаҳар маъмурий судига юборилди.

Суд мазкур ишни 15 майда мазмунан кўриб чиқиб, Ё.Яхшибоевга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлади.

Қамолiddин ДАДАБОВЕВ,
МИБ Янгиер шаҳар бўлими бошлиғининг ўринбосари

Тошкент шаҳрининг йўловчилар оқими катта бўлган магистрал кўчаларида тезюрар автобус йўналишлари ташкил этилади.

НОБУД БЎЛГАН ЭГИЗАКЛАР

Бахтиёр билан Кароматнинг икки фарзанди бор. Айна пайтда улар яна янги меҳмон кутишяпти. Кароматнинг ҳомиласи эгизак экан.

Бир куни кечки соат 21:00 ларда Кароматнинг тоби қочди. Бахтиёр тезда таниш ҳамширага кўнғирок қилди. Ҳамшира Кароматни дарҳол шифохонага олиб бориш кераклигини айтди.

Бахтиёр аёлини туман тиббиёт бирлашмасига олиб борди.

Навбатчи шифокор, олий маълумотли акушер-гинеколог Курбон Холмўминов бемор аёлни қабул қилиб, «ҳомилдорликнинг 19-ҳафтаси, эгизак ҳомила, бошланган аборт, анемиянинг оғир даражаси, сурункали пиелонефрит кўзиш даври» ташхиси билан хаста ҳомиладорлар бўлимига ётқизди. Бир неча кун ётиб даволанса тузалиб кетишини айтди. Кейинги кун хабар олишга келган Бахтиёрга Каромат аҳволи яхшиланганини билдирди.

Орадан бир-икки кун ўтди. Эрталаб Бахтиёрга қайнопаси кўнғирок қилиб, Кароматнинг аҳволи оғирлашганини айтди. Бахтиёр тезда шифохонага етиб борди.

Ҳақиқатан ҳам Кароматнинг аҳволи оғирлашган экан. Ҳар куни олаётган «Инфузол» дорисини секинлик билан томирга юбормасдан, тезлик билан юборишган. Шундан сўнг аёлининг аҳволи ёмонлашган. Аксига олиб бу пайтда хонада ҳамшира ҳам бўлмай, хонадаги бошқа бемор ёрдам берган. Натижада Каромат тинмай қайт қилиб қолади. Бахтиёр турмуш ўртоғидан хавотир олиб, Курбондан аёлининг аҳволи ҳақида сўради. «Энди бироз вақт қайт қилади, кейин ўтиб кетади», — деди доктор. Лекин Кароматнинг аҳволи оғирлашаверди. Аёлидан хавотирланаётган Бахтиёр тинмай ундан аҳволи қандайлигини телефонда сўраб турди.

Аёл ичи оғирётганидан шикоят қилди. Шифокорлар унга оғриқ қолдирувчи укол қилишди. Бахтиёр турмуш ўртоғининг соғлиғидан хавотирланиб, шифохонадан кетмади.

Кароматнинг аҳволи яхшиланмади, қайт қилиши қолмади, қорнидаги оғриқ эса чидаб бўлмас даражага етди. Қолаверса, эгизакларнинг кимирлаши ҳам сезилмай қолди.

Шундан кейин уни УТТ аппаратида текшириб, ҳомилаларнинг юраги урмаётгани аниқланди.

Шунда ҳам Курбон Бахтиёрга хавотирланмаслигини, эгизакларнинг юраги секин ураётганини, аёлни реанимация бўлимига ўтказишини, у ерда доимий шифокорлар назоратида бўлишини айтди.

Бахтиёр реанимацияда ётган аёлидан тез-тез аҳволини сўраб турди. Ярим кечаси кўнғирок қилганда хотини зўрга гапириб, оғриқ кучли эканини айтганиди, Бахтиёр чидаб туrolмади. Курбоннинг хонасига бориб, вазиятни тушунтирди.

Уйкуси бузилган Курбон Бахтиёрни ёқтирмади. Иложсиз қолгач, Кароматни текшириб қўрди. «Қон кетаяпти, операция қилиш керак» деб унга зарур дори-дармонлар рўйхатини берди.

Кўп ўтмай аёлни жарроҳлик амалиётига олиб киришди.

Бир-икки соатлардан кейин операция хонасидан бир шифокор чиқиб, қон кераклигини айтди. Шу ерда ўтирган Кароматнинг отаси қон берди. Бахтиёр врачлар айтган дориларни етказиб турди. Орадан бироз вақт ўтиб яна қон кераклигини айтишди. Бахтиёр қишлоқдошларидан қон гуруҳи тўғри келадиган 15 нафар танишини қақирганди. Шулардан учтасидан қон олишди. Бирок ижобий натижа бўлмади. Шифокорлар «қон старли, лекин қуйилган қон вимасдан чиқиб кетаяпти» дейишди.

Кароматни эрталаб соат 8:00 ларда операция хонасидан реанимация бўлимига олиб ўтишди. Бир неча соатдан сўнг яна қон қуйишди, шахардан врач қақирди. Лекин энди жуда кеч, фойдаси йўқ. Кароматнинг жони узилганди.

Курбоннинг тажрибасизлиги ёки лоқайдлиги панд берди. У беморга эътиборсиз бўлди. Ўша куни беморни қабул қилганидан сўнг амалдаги миллий стандарт талаблари бўйича текшириш режаси тузмади, унинг аҳволини чуқур ўрганмади. Беморнинг қонидаги гемоглобин миқдори (Нб-60) паст бўлишига қарамадан оғир анемияни даволаш учун беш кун давомида бирон-бир муолажа ўтказмади. Бачадондан қон кетиши хавфини билгани ҳолда керакли дори-дармонлар билан даволаш чораларини кўрмади. Беморнинг аҳволи оғирлашган бўлишига қарамай малакали шифокорлар билан консилиум қилиб, оператив муолажани бошлаш чораларини кўрмагани натижасида ҳомилдор аёлининг «ривожланмаган эгиз ҳомиланинг ўлими фониди кечган геморрагик шок ва ДВС синдроми билан асоратланган бачадондан ўткир қон кетиши» натижасида шифохонада вафот этишига сабабчи бўлди.

Суд тиббий экспертизасида ҳам муолажаларни даволаш диагностик стандарт талабларига мос равишда ўтказмагани маълум бўлган.

Суд ҳукми билан Курбон Холмўминов бир йил тиббиёт муассасаларида акушер-гинеколог лавозимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ушлаб қолган ҳолда жазо тайинланди.

Собиржон ЖАНИЕВ,

Нарпай тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

ТОМДАГИ ШАРПАЛАР

Олим ҳовлисининг дарвозаси тинимсиз тақиллашидан уйғониб кетди. «Ярим тунда ким бўлди экан-а?» деб ўрнидан кўзгалди. Минг бир хавотир билан соатига қаради: энди учдан ўтибди. Дарвозани очса, жияни Сирожбек турибди.

— Амаки, озроқ юким бор эди, уйингизда туриб турсин, техника толиб келганимдан сўнг олиб кетаман, — деди у салом-алик ва узрдан кейин.

Олим қараса, кўчанинг бошидан жиянинг оғайниси Бунёд арава суриб келаяпти.

— Нима ўзи юкларинг? — деди у ҳамон уйкусираб. — Қасрдан олиб келаясан?

— Учаскага ишлатиш учун сотиб олдим, — деди жияни халослаб. — Шу ерда туриб турсин, эрталаб машина топиб олиб кетаман...

Олим жиянига дарвозани очиб берди-ю уйига кириб ухлады.

Тонгда туриб қараса, дарвозахонада оёқ босишга ҳам жой қолмади. Эҳ-хе, нималар йўқ эди дейсиз бу ерда: тахта, темир дарвоза, белкурак ва кетмонлар, бетон қориш учун мўлжалланган темир мосламалар, симлар, қувурлар...

Олим жиянига кўнғирок қилиб уришди:

— Нима, менинг уйим омбори сенга, ҳамма жойни тўлдириб ташлабсан-ку, юриб бўлмайтти. Олиб кет нарсаларингни...

Эрталаб бораман деган Сирожбек кунботарга яқин юк машинаси билан келиб, «омонат»ини олиб кетди. Орадан бир неча кун ўтиб Олимнинг хонадонига ички ишлар ҳодимлари келганидагина жияни келтирган юкларнинг сирини очилди...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида Бунёд Тошқуловнинг жиноят иши кўрилди.

Маълум бўлишича Бунёд ўртоғи Руслан билан Қарши шаҳридаги мол бозоридан қайтаётганида Қарши — Ғузор йўлининг чап томонидаги қурилиш тугалланмаган ҳовлида қурилиш материаллари борлигини кўриб қолишди. Шу жойга ўғирликка тушишни режа қилиб, буни қишлоқдошлари Сирожбекка ҳам айтишди. Белгиланган куни соат

22:30 ларда учовлон кейинчалик билишларича «Ўғилой» МЧЖга тегишли ер участкасига ўғирликка боришди.

Омборхонанинг томига чиққанларида қоровул кўриб қолиб, «Кимсизлар, нега ярим кечаси томда юрибсизлар?» деб сўради. Пастга сакраб тушиб, уни қувиб кетишди. Қоровул дарвозадан чиқиб қочди. Бировга хабар бермасин деб уни қувиб ушлашди...

Шундан кейин Руслан уни қўлидаги таёк билан уриб, кўрқитиб, жим ўтирса ўзига яхши бўлишини «тушунтириб» қўйди. Аллақадердан арқон топиб келиб, қоровулнинг қўл-оёқларини боғлаб қўйишди.

Машҳур «Ы операцияси» фильмидаги учовлон сингари омборхона эшигининг қулфини бузиб, ичкарига қадам босар эканлар, нақ ҳазинага дуч келганини англадилар. Бирин-кетин қўлларига илашган буюмларни ташқарига таший бошлашди. Сўнг уларни темирўйнинг нариги томонидаги Шилви қишлоғига ташиб ўтишди. Сирожбек шу ақян афрофда амакиси яшашини айтиб қолди...

Буюмларни саранжомлашгач, Бунёд Россияга ишлаш учун жўнаб кетди. Шерикларининг қўлга тушганини ўша ерда ишлаб юрганида эшитди-ю ичидан зил кетди. Қинғир иш барибир ташвиш келтиришини орадан олти йил ўтиб, суд олдида минг бир пушаймон билан жавоб бераётганида англаб етди...

Бунёд Тошқулов 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарорларига асосан тайинланган жазо уч марта учдан бир қисмга қисқартирилди.

Иш бўйича моддий зарар тўлиқ қоплангани қайд этилди.

Ақтам НАВРЎЗОВ,

Қарши шаҳар прокурори

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Раҳматулла Исаков табарруқ 60 ёшни қарши олмоқда.

Р.Исаков прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда самарали меҳнат қилди. У хизмат жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Иш жараёнида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфирқ, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Раҳматулла Исаковнинг узоқ йиллик хизмат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча маротаба тақдирланган.

Ҳурматли Раҳматулла Анарбаевич, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустақкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустақкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Қурбонназар Бекмирзаев табарруқ 60 ёшни қарши олмоқда.



У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби маҳорати сирларини сиққидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сиққидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Қурбонназар Бекмирзаевнинг узоқ йиллик хизмат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча маротаба тақдирланган.

Ҳурматли Қурбонназар Гулмурадович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби маҳорати сирларини сиққидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сиққидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Қурбонназар Бекмирзаевнинг узоқ йиллик хизмат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча маротаба тақдирланган.

Ҳурматли Қурбонназар Гулмурадович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

НИГОН

ЖИНОЯТ СУДЛАРИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда дунёнинг тараққий этган давлатлари тажрибасини ўрганиш, уни таҳлил қилиш ҳамда миллий қонунчилик тизимида имплементация қилиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Жумладан, судларда прокурор иштирокининг халқаро стандартлари ва хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил этиш, ижобий ва салбий томонларини солиштириш орқали янги тажриба ва кўникмаларга эга бўлиш мумкин.

Хорижий мамлакатлар прокуратура органлари турли ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Масалан, баъзи давлатларда прокуратуранинг фаолиятига Сенат араслашуви кутатсак, айримларида эса мамлакат Президентини кўришимиз мумкин. Яна бошқа давлатларда масалан, АҚШда прокуратура фаолияти атторней фаолияти деб юритилади. Федерал атторнейлар Сенат розилиги билан АҚШ президенти томонидан тайинланади. Кўпгина штатларда маҳаллий даражадаги атторнейлар аҳоли томонидан сайланади ва қондага кўра у ёки бу сиёсий партиянинг қўллаб-қувватлаши натижасида ўз лавозимларини эгаллайдилар.

Европанинг кўпгина давлатларида эса прокурорлар Президент томонидан тайинланади ва марказлашган органни ташкил этади. Агар биз кўпгина Европа ва Осиё давлатларининг прокуратура органларига назар ташлайдиган бўлсак, шунга амин бўлаемизки, прокуратура органлари куйидан юқорига қараб бўйсунуш ва ҳисобдорлик тартибида тузилгандир. Бу ҳисобдорлик прокуратура органларининг ушшоқлиги ва бирлик принципинга асосланиб ҳаракат қилишини таъминлайди.

Францияда прокуратура фаолияти Франция Жиноят-процессуал кодексининг 31, 48-моддалари билан тартибга солинади. Бу ерда прокуратура Адлия вазирлиги таркибига қиради.

Барча прокурорлар Франция Президенти томонидан тайинланади ва лавозимдан четлатилмади. Адлия вазирати тавсия беришда муҳим аҳамиятга эга. Францияда прокурорга жиноятчилик билан кураш соҳасида сиёсатни аниқлаш ваколати берилган.

Германияда прокурор суд амалиётига қарши бора олмайди. Агар суд қилмишни жазога сазовор деб топса, прокурор уни жазога сазовор эмас деб ҳисоблай олмайди. Яна шунга ҳам айтиб ўтиш лозимки, Германияда суриштирув органи прокуратурadir.

Жиноят содир этилганлиги ҳақида аризалардан ёки бошқа манбалардан прокуратура хабар толиб, жиноят иши кўзгатилади. Прокуратура нафақат айблов балки, оқловчи вазиятларни ўрганиб чиқиши лозим, йўқотилиши мумкин бўлган далилларни сақлаш, қайси жиноят қонунини ва қандай жазо чорасини қўллашда аҳамиятли вазиятларни ўрганиб чиқади.

Германияда барча материаллар прокуратурага стқизишли шарт.

АҚШда прокурор жиноят ишини кўзгатиш, айблов эълон қилиш, ишни тугатиш масалаларини ҳал қилиш ваколатига эга. У ҳатто жиноят ишининг суд муҳокамаси босқичидан ҳам айбловни қақириб олиши мумкин. Фақат прокурор жиноят ишини кўзгатиш ёки тугатишни ҳал қилади. Суд жиноят ишини кўзгатиш ва кўриш ваколати қачонки, прокурорнинг эътирози бўл-

масалга ҳақли. Бундай ҳолларда фақат суд айблов эълон қилишнинг қонунийлигини текширади.

Италия прокуратураси жиноят процессининг бирор-бир тарафи эмас, балки “одил судлов органи” деб аташ гўтирок бўлади. Чунки прокурор дастлабки тергов даврида барча айблайдиган ва оқлайдиган далилларини олдиши шарт.

Конституциянинг 104-моддасига кўра, прокуратура ҳар қандай ташқи таъсирлардан мустақилдир. Жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида прокурор фақат қонун ва ўз виждонига бўйсунди, бунинг учун эса у ташқи кўрсатмалар ва шартлардан холи бўлиши шарт. Жиноят иши кўрилар экан (дастлабки тергов муддати – 6 ой) прокуратура суд полицияси офицерлари ва агентларидан ташкил топган аппаратга таянади. Зарурат бўлганда, прокуратура тергов ишлари бўйича ўз ваколатларини ўзининг бўйсунувиди давлт полициясининг карабинерлар армияси ва молиявий гвардиянинг агентлари ҳамда офицерларидан иборат бўлган махсус бўлимга топшириши мумкин.

ЖПКнинг 330-моддасига биноан прокуратура ўз ташаббуси билан у ёки бу шахс томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноят ҳақида гумон қилинганда ҳар қандай факт, ҳар қандай ҳолатни текширишга ҳақли. Бу текширишлар натижасида прокурор дастлабки суриштирув бошлаш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Прокурор суриштируви барча процессуал нормаларга риоя қилиш билан ўтказилади. Прокурорнинг барча текширув ишларида адвокат иштирок этиши мумкин. Прокуратура такорланмайдиган тергов ҳаракатлари олиб борилганда масалан, текширилаётган предметнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган экспертларда адвокат ёзма равишда ёки телефон орқали прокуратура органи томонидан тергов ҳаракати олиб борадиган жой ва вақт ҳақида хабардор қилинади.

Хасанбой ЛАТИПОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдмчиси



HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko'chirib
bosilganda manba sifatida gazeta
nomi ko'rsatilishi shart.
f – tijorat materiallari.

Buyurtma v-4177.
19 930 nusxada bosildi.
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 besma tobuq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teritdi
va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **KASQAROV**
Sahifalovchi: **S.BABAJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa
ijodiy uyida chop etiladi.
Korxonada manzil: Toshkent shahar,
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirish: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi
matbuot va axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004

**Ўтганларнинг
охирати
обод бўлсин**

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

**Довранбек
АБДАЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистонда 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, 14 ёшгача бўлган жами болалар сони 9 870 276 нафарни ташкил этган.

4-ИЮН 2020-Ҳ.

HUQUQ № 22

(12.19)

11

АДАБИЁТ ВА МИЛЛАТ:

УЙҒУНЛИКНИНГ ҲАЁТИЙ НАМУНАСИ

Мамлакатимизда фуқароларимизни, айниқса ёшларимизни буюк халқимизга муносиб комил, юксак маънавиятли ва ҳар тарафлама ривожланган инсонлар сифатида шакллантириш мақсадида жуда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги тадбирлар, ислохотлар ва ўзгаришлар сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Шавкат Мирзиёев томонидан биринчи навбатдаги энг муҳим аҳамиятга молик вазифалар қаторида янада жадаллаштирилиб, тез суръатларда олиб борилмоқда.

Мазкур жараёнда, авваламбор, буюк аждодларимизнинг номларини қайта тиклаш ва миллий меросимизни, жумладан улуғ мутафаккир, шоир ва адиб боболаримизнинг тарихи, ижоди ва асарларини чуқур ўрганиш ҳамда келажак авлодга етказиш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Шу мақсадда юртимизда адабиёт маканлари, буюк аждодларимизга атаб мухташам монументлар ва хиебонлар бунёд этилмоқда.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон Миллий боғи»да барпо этилган «Адиблар хиебони» ҳам бу борадаги узок келажакни кўзланган, амалий ва истикболли

ишларнинг яна бир давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Тошкент ва Чирчиқ ҳарбий прокуратуралари ходимлари таниқли зиёлилар ва жамоатчилик вакиллари ҳамроҳлигида ушбу маънавият маканида бўлишиб, унда қад ростлаган мутафаккирларимиз монументлари ҳамда ёдгорлик мажмуасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан бево-ситта танишишди.

Нуриддин Алимжонов, Зебо Мирзаева, Фароғат Худойқулова, Абдумажид Азимов, Хулқар Ҳамроева ва Зилола Хўжаниёзова сингари таниқли шоир ва адибларимиз билан адабиёт, унинг мил-



лат тақдири ва юрт истикболларидаги ўрни, дадил одимлаб бораётган юксак марралар сари қўйилган мақсадлар рўёбидаги аҳамияти борасида очик мулоқот ва кизгин суҳбатлар уюштирилди. Ташриф давомида буюк аждодларимизга эҳтиром рамзи сифатида уларнинг ҳайкаллари пойига гуллар қўйилди.

«Адиблар хиебони» билан танишиш асносида беихтиёр адабиёт оламига шўнғиб кетасан киши. Улуғ аждодларимизнинг тарихи, ижод намуналари бирма бир кўз олдингиздан ўтади. Буюк халқимизнинг шундай улуғ фарзандларига муносиб авлод бўлиш, бунинг учун адабиёт билан ошно бўлиб, барча

билимларни мукамал эгаллаш, ҳар бир ишда Ватан келажаги учун улкан мақсадлар қўйиб, шунга муносиб тўғри ва ҳалол меҳнат қилиш кераклигини ич ичингиздан ҳис қиласиз.

Дарҳақиқат, «Адиблар хиебони» – ҳар биримизнинг маънавиятимиз ва билим савиямиз юксалишига, ватанпарварлик хисси янада жўш уришига, ҳар бир ишимизга ҳамиша халқ дардини ҳис этиб, унинг орзуларини рўёбга чиқариш шижоати билан ёндашишга хизмат қилади.

Ботирбек СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси



Хабарингиз бор, 2020 йилнинг 16 мартдан коронавирус пандемияси сабаб мамлакатимизда футбол мусобақалари тўхтатилган эди.

Республика махсус комиссиясининг 29 майдаги 26-йиғилиши баёнига асосан профессионал футбол клубларига ўз машғулотларини санитария ва гигиена қоидаларига мувофиқ ҳолда бошлашига ҳамда 5 июндан Ўзбекистон профессионал футбол лигаси чемпионатларини давом эттирилишига расман рухсат берилди. Бунда ўйинлар томошабинлар иштирокисиз ўтказилиши белгиланди.

ПФЛ чемпионатини давом эттиришдан олдин футболчилар ўз спорт формаларини тиклаши учун бир неча кун кераклигидан келиб чиқиб, суперлига айнан қайси санадан давом эттирилиши бўйича алоҳида маълумот беришини маълум қилди.

Маълум бўлишича, машғулотларга рухсат берилган санадан 14 кун ўтиб суперлига старт олиши мумкин. Айнан шу давр мобайнида футболчилар шугулланишди ва 3-тур ўйинларидан сўнг тўхтатилган чемпионатимиз 13 июндан давом эттирилади.

SPORT

МАҲРЕЗНИ ТУНАБ КЕТИШДИ

«Манчестер Сити» клубининг жазоирлик футболчиси Рийд Махрезнинг уйини ўғри уриб кетди. Бу ҳақда «The Sun» ёзмоқда.

Этказилган зарар 500 минг фунт стерлингдан зиёдроққа (600 минг доллардан кўпроқ) баҳоланмоқда. Ўғирлар олиб кетган буюмлар орасида қимматбаҳо соатлар – «Richard Mille» (230 минг фунт), «Rolex Daytona» (40 минг фунт) ва «Rolex Day Date» (35 минг фунт) ҳам бор.

Шунингдек, 50 минг фунт нақд пул, 150 минг фунтлик нобъ футболкалар коллекцияси ўғирлаб кетилган.

Хабарларга кўра, ўғирлик тасодифий бўлмаган: ўғирлар Махрез қачон уйда бўлмаслигини билишган.

МАШАРИПОВ ЕВРОПАГА ЙЎЛ ОЛИШИ МУМКИН

Сўнги кунларда «Пахтакор» футбол клуби яримҳимоячиси Жалолiddин Машарипов билан боғлиқ хабарлар кўпайиб қолди.

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва «Пахтакор» клуби аъзоси Жалолiddин Машарипов Европага йўл олиши мумкин. Бу ҳақда Туркиянинг «Karadeniz» газетаси хабар тарқатди.

Манбанинг маълум қилишича, «Трабзонспор» клубининг собиқ футболчиси Шота Арвеладзе бошқараётган «Пахтакор» клубидаги яримҳимоячи Жалолiddин Машарипов Европага йўл олиши ва «Трабзонспор» либосини кийишни хоҳламоқда. «Шерлар» футболчи учун Туркия клубидан 2 миллион евро сўраган. «Трабзонспор» клуби эса Жалолiddин учун сўралган пулни беришга тайёр.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди